



MILLIY TIKLANISH

28 (460)

2017 йил 12 июль, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ФИДОЙИНГ БЎЛГАЙМИЗ СЕНИ, ЎЗБЕКИСТОН!

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКМАНИСТОН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ — ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 июль куни Тошкентга амалий ташриф билан келган Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари — ташқи ишлар вазири Рашид Мередовни қабул қилди.

Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари дўст Туркменистон халқига ва Президент Гурбангули Бердимухамедовга ўзининг чуқур ҳурматини изҳор этди ва самимий саломини йўлади.

Сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро муносабатлар изчил ривожланиб, мустаҳкамланиб бораётгани мамнуният билан таъкидланди.

Ўзбекистон Президентининг Туркменистонга шу йилнинг март ойидаги ilk давлат ташрифи, май ва июнь ойларида "Аваза" сайёҳлик зонаси ва Қозоғистон пойтахти Остонадаги амалий учрашувлар, шунингдек, икки давлат раҳбарларининг мунтазам мулоқотлари Ўзбекистон билан Туркменистон ҳамкорлигини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиққани ва Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома қондаларини амалга оширишни таъминлаётгани қайд этилди.

Айни пайтда келишувларга мувофиқ Ўзбекистон ва Туркменистон компания ва корхоналари қиймати 200 миллион доллардан зиёд қўшма ташқи савдо шартнома ва битимларни амалга оширмоқда.

Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасида тизимли ва узоқ мuddатли ҳамкорлик йўлга қўйилди, Туркменистонга навбатдаги пахта териш машиналари, культиватор ва бошқа замонавий техникалар етказиб берилди. Шу ойда Ашхободда Савдо-сервис маркази ўз фаолиятини бошлади.

"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти корхоналари базасида Туркменистон темир йўллари ҳаракатланувчи таркибини таъмирлаш ва модернизация қилиш ишлари олиб борилмоқда.

Туркманобод — Фароб автомобиль ва темир йўл кўп-риклари очилгач, мамлакатларимиз ўртасида транзит ташишлар ҳажми сезиларли даражада кўпайди. Ўзбекистоннинг фақат темир йўл орқали Туркменистон худудидан ўтган экспорт юклари ҳажми 25 фоиз ошди. Маданий-гуманитар соҳада ҳам ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Тошкентда Ашхобод боғини ташкил қилиш ишлари бошланди. Сентябрь ойида спортчиларимиз Туркменистон пойтахтида ёпиқ иншоотларда ва жанг санъатлари бўйича бўлиб ўтадиган навбатдаги Осиё ўйинларида иштирок этади.

Сўхбат чоғида мамлакатларимиз ўртасида амалий ҳамкорликни кенгайтириш, стратегик шерикликни мустаҳкамлашга қаратилган янги йўналишларни белгилаш ва истиқболли лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш масалалари муҳокама этилди.

Томонлар минтақавий ва халқаро сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашди.

Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари — ташқи ишлар вазири Рашид Мередов Президент Гурбангули Бердимухамедовнинг Ўзбекистон халқи ва унинг раҳбари Президент Шавкат Мирзиёевга чуқур ҳурмати ва эзгу тилаklarини етказди. Р.Мередов Туркменистон икки давлат ўртасидаги кенг қўламли ҳамкорликни янада ривожлантиришга тайёр эканини таъкидлади.

ЎзА

Фракция фаолияти

Ёшлар — бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучи. Демак, Ватанимиз келажиги, халқимизнинг эртанги кўни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши ёшларимизнинг таълим-тарбиясига, қандай инсон бўлиб вояга етишига бевосита боғлиқ.

Мамлакатимизда ана шу мезондан келиб чиқиб, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб



ЭРТАНГИ КУНИМИЗ ЭГАЛАРИГА ЭЪТИБОР

ЎЗМТДП ФАОЛИЯТИДА УСТУВОР ВАЗИФАГА АЙЛАНИШИ ЛОЗИМ

ёшларни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий етуқ ва жисмонан соғлом баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга устувор аҳамият қаратиб келинаётимиз. Ўтган давр мобайнида ёшларга оид давлат сиёсати доирасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Хусусан, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида

демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислохотларда ёшлар фаолигини ошириш билан боғлиқ бир қатор янги ва муҳим йўналишлар, вазифалар белгилаб берилди.

Жорий йилнинг 30 июнида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойида Президентимиз ғояси билан мутлақо янги ташкилот — Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ташкил этилгани ҳамда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича белгилаб берилган устувор вазифалар соҳада амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларни янги босқичга

кўтаришга қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 5 июлда қабул қилинган "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги фармони эса қурултойда белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракциясининг навбатдаги йиғилишида ёшлар масаласи бош мавзу бўлди.

2

Миллий гуруҳ

СПОРТ ЮКСАК МАРРАЛАРГА ЧОРЛАЙДИ



Мамлакатимизда кейинги йилларда спортнинг Олимпия йиғинлари дастуридан жой олган теннис тури жадал ривожланмоқда. Аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида мазкур спорт турини кенг оммаштириш юзасидан изчил ишлар олиб борилмоқда. Жаҳон талабларига мос спорт иншоотлари, ихтисослашган мактаблар ва олимпия захиралари коллежларида йил-қизларнинг теннис билан шугулланиши, соғлом ва баркамол бўлиб ўлаётгани учун барча шароит яратилган.

Ўзбекистон теннис федерацияси 1992 йили Халқаро теннис федерацияси — ИТФга аъзо бўлди ва жаҳон ҳамда қитъа мусобақаларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Айни пайтда мамлакатимизда ушбу спорт тури бўйича истеъдодли ёшларни тарбиялаш мақсадида ҳар йили нуфузли халқаро ташкилотлар — Профессинал теннисчилар уюшмаси, Хотин-қизлар теннис уюшмаси ва Халқаро теннис федерацияси мусобақалари тақвимида кирувчи халқаро турнирлар ўтказиб келинмоқда.

6-бет

Юзма-юз

МУЛОҚОТ — ИНСОН МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Халқ билан очиқ ва самимий мулоқот амалий ишларга йўл очади. Жойлардаги йиғилиб қолган муаммоларни, аҳолини ташвишга солаётган масалаларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади.

Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларининг худудлардаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол, фуқароларнинг турмуш шароитларини ўрганиш, жойларда мавжуд муаммоларни аниқлаш ва ҳал этиш, бу борада парламент назоратини самарали тарзда амалга ошириш мақсадида фуқаролар билан бевосита мулоқотлар ўтказиётгани ўз самарасини бермоқда. Ушбу мулоқотларда аҳолини қийнаётган муаммолар ва камчиликлар жойида ўрганилиб, уларни ҳал этиш чоралари кўриломоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоларининг чекка қишлоқ ва маҳаллаларда ўтказган учрашувларида асосий эътибор фуқароларнинг муносабатлари асосида маҳаллий давлат бошқаруви идоралари, корхона-ташкilotлар, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти таҳлилга, уларнинг жойларда тўпланиб қолган турли муаммоларни бартараф этиш борасидаги вазифаларига қаратилди.

КОЛЛЕЖ БИТИРУВЧИЛАРИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ

ЎзМТДП фракцияси аъзолари Жамила Ниёзова, Зумрад Бекатова ҳамда Жодасбай Абдужамил Қорақалпоғистон Республикасининг Элиққалъа тумани аҳолиси билан юзма-юз мулоқотда бўлди.

3

Ташаббус натижа берди

Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йилнинг 5 январь, 7 февраль кунлари соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан бўлган учрашувларида ҳамда 6 июль куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида тиббиёт соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, аҳолига бирламчи тиббий хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан зарур чора-тадбирларни белгилаб берди. Шу нуқтаи назардан, аҳоли саломатлиги билан боғлиқ масалаларга жиддий ёндашиш, уни танқидий, таҳлилий, муҳими, ҳолисона руҳда чуқур ўрганиш, соҳа тараққиётига тўсиқ бўлмаётган айрим камчилик ва муаммоларни бартараф этиш бўйичаги долзарб вазифаларни қаторидан ўрин олмоқда.

ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТИ ТУНУ КУН ИШЛАЙДИ

ЎЗМТДП ГУРУҲИ УШБУ МАСАЛАНИ СЕССИЯ МУҲОКАМАСИГА КИРИТДИ

Бу жараёнда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан сайланган депутатлар худудлардаги тиббиёт муассасалари фаолиятини ўрганиш, аниққса, қишлоқ врачлик пунктларидаги мавжуд ҳолатни таҳлил этиб, бу бўйича муайян хулоса ва тақлифлар бериш, зарур чораларни кўришда муносиб ҳисса қўшишга интилаётимиз. Жумладан, халқ депутатлари Бўстоналик туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи сессия муҳокамасига худуддаги қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини такомиллаштириш, уларни мақбуллаштириш юзасидан муҳим ташаббус билан чиқди.


3

Ушбу сонда:

САНЪАТ ГАЛЕРЕЯСИ МИЛЛИЙЛИГИМИЗ НАМОЙИШИ



ТОҒ УСТИДАГИ ТЕЛЕМИНОРА



7-бет

АВЛОДЛАРНИ БИРЛАШТИРУВЧИ РИШТА



8-бет



Фракция фаолияти

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

ЭРТАНГИ КУНИМИЗ ЭГАЛАРИГА ЭЪТИБОР

ЎЗМТДП ФАОЛИЯТИДА УСТУВОР ВАЗИФАГА АЙЛАНИШИ ЛОЗИМ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Унда Президентимизнинг "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати IV қурултойида сўзлаган маърузасидан келиб чиқиб, фракция олдида турган вазифалар муҳокама қилинди. Фракция раҳбари Сарвар Отамуратов бошқарган йиғилишда депутатлар давлатимиз раҳбари маърузасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, бунда ЎзМТДП фракциясининг партия ташкилотлари билан ҳамкорлик ва алоқасини янада мустаҳкамлаш хусусида ўз фикр-мулоҳазалари ҳамда таклифларини билдирдилар.

Козим ТОЖИЕВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

Ёш авлод тарбиясини бир зум бўлсин ўз ҳолига ташлаб бўлмайди. Бу борадаги узвийликни таъминлаш, муносабату ёндашувларни миллий манфаатларимиз ва замонавий талабларга мослаш, изчил ривожлантириш ҳамиса долзарб. Келажакимиз эгалари тақдирини билан боғлиқ масала, айниқса, бугунги глобаллашув шароитида ҳар қачонгидан да муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки турли кўри-нишдаги мафкуравий таҳдидлар, "оммавий маданият" каби хавф-хатарлар кучайиб, миллий урф-одат ва қадриятларимизга, оилавий анъаналарга путур етказётгани, ёшларимиз онгу тафаккурига салбий таъсир кўрсатаётгани сир эмас. Давлатимиз раҳбари ёшлар қурултойида ана шундай муаммоларга эътибор қаратиб, ўтган даврда юртимизда ёшлар соҳасида амалга оширилган ишлар, йўл қўйилган камчиликлар, "Камолот" ЁИХ-нинг фаолиятини танқидий таҳлил қилди.



Президентимиз ташаббуси билан ёшларнинг чинакам суянчи ва таянчи бўла оладиган мутлақо янги ташкилот — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилгани ва унинг зиммасига улкан масъулият юкляниб, кенг ваколат ва имкониятлар берилгани ҳар биримизни гурурлантирди. Бу саяё-ҳаракатларнинг манتيқий давоми сифатида "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Президент фармони қабул қилинди. Унда белгиланган вазифалар Ўзбекистон ёшлар иттифоқини "Ёшлар — келажак бунёдкори" шиори остида

профессионал фаолиятни амалга оширувчи тузилмага айлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Фракцияимизнинг бугунги йиғилишида давлатимиз раҳбарининг маърузаси ҳамда ушбу фармонда белгиланган вазифаларни амалга оширишда партияимиз ҳамда депутатларнинг иштироки, ўрни ва вазифаси қизгин муҳокама қилинди, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

Жуманазар ОТАЖОНОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

Мустақиллик йилларида ёшларга оид давлат сиёсати ўтиш даврининг ўзига хос зиддиятларида тобланиб, халқимизнинг азалий орзу-умидлари ва ёшлар манфаатларига яқинлаштирилди. Ахборот алашинуви шиддатли тус олган бугунги глобаллашув замонида келажак ворисларининг ҳеч кимдан кам бўлмай камолга етиши учун ижтимоий-ҳуқуқий кафолатларни янада такомиллаштириб бориш заруратини теран ҳис қилмоқдамиз.



Президентимиз маърузасида илгари сурилган ҳар бир ғоя ва тақлиф, белгиланган вазифалар ўз мазмун-моҳияти билан янги босқични бошлаб берди. Бу эса ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда партия ташкилотларимиз ҳамда депутатлик бирлашмаларимиз фаолигини янада оширишни талаб этади. Бунинг учун, энг аввало, партия "Ёшлар қаноти"нинг нуфузи ва таъсирини ошириш, тузилма сифатида унинг ҳуқуқий мақомини ҳамда бугунги кундаги долзарб вазифаларини белгилаб олиш, ваколат ва имкониятларини кенгайтириш, қанот фаолларини ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш лозим. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан партия ўртасида ҳамкорлик меморандумини имзолаб, ташкилотнинг ҳудудларидаги бўлинмалари билан биргаликда иш олиб бориш мақсада мувофиқ. Юртимиздаги сайёҳлик компаниялари ва туроператорлар билан ҳамкорликда ёшлар туризмни ривожлантириш, айниқса, уларнинг тарихий шаҳарларимизга ташрифини ташкил этиш, маданий мерос объектлари ҳақидаги билим ва тасаввурларини янада бойитишга кўмаклашиш зарур. Бу, ўз навбатида, партия дастурий мақсад-вазифалари ижросига ҳам хизмат қилади.

Акмал ЖУМАБОВЕВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида юртимизда ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш, ёшларни турли диний экстремистик оқимлар таъсиридан асраш масаласига алоҳида эътибор қаратиб, "бугунги кунда юртимизда тобора кенг тарқалиб бораётган "Ўз болангни ўзинг асра!" деган даъват фақат қуруқ шиор бўлиб қолмасдан, ҳар бир ота-она, ҳар бир фуқаронинг қалбига, юрагига чуқур кириб бориши, амалий ҳаракатга айланиши зарур", деди. Дарҳақиқат, биз халқ вакиллари сифатида жойлардаги фаолиятимиз давомида ёшлар ичига кириб боришимиз, уларнинг муаммоларини яқиндан ўрганишимиз лозим. Бу эртаимиз эгаларини турли мафкуравий таҳдидлар, "оммавий маданият"нинг салбий таъсирларидан ҳимоялашга қаратилган чора-тадбирларни ҳаётга изчил татбиқ этиш — қайсидир маънода ёшларнинг ёт оқимлар домига тушиб қолишига сабаб бўлаётган беқорчилик, ишсизлик муаммоларини ҳал этиш чораларини кўришни тақозо этмоқда.



Шу ўринда ЎзМТДП "Ёшлар қаноти" республикамизнинг барча ҳудудда "Хизмат — беминнат" лойиҳаси доирасида ташкил этиётган бепул ўқув курсларида бугун иккинчи мингта яқин ўғил-қиз турли йўналишларда таҳсил олаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Партиянинг ана шундай амалий лойиҳаларини кўпайтириш, уларга уюшмаган ёшларни кенг жалб этиш, "устоз-шогирд" анъаналари асосида ёшларга касб-ҳунар ўргатиш мақсада мувофиқ. Бу каби ишларда биз депутатлар ҳам ўз ваколатларимиздан самарали фойдаланишимиз, партия ташкилотларига кўмаклашимиз лозим.

Қизгин баҳс-мунозара, тақлиф-мулоҳазаларга бой тарзда ўтган йиғилишда фракция аъзолари юртимиз ёшларини ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш мақсадида амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш, бандлигини таъминлаш, тарғибот ишларини янада кучайтириш борасида қатор таклифларни ўртага ташлади. Билдирилган тақлиф-мулоҳазалар асосида фракциянинг ёшлар масаласига оид чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш бўйича қарор қабул қилинди.

Муҳтарам КОМИЛОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Партия қабулхоналарида

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ғояси билан Халқ қабулхоналари институтига асос солиниши фуқаролар мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқиш, ҳал этиш, инсон манфаатларини таъминлашда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Фуқаролар билан ишлайдиган ана шундай қабулхоналарнинг сиёсий партиялар тизимида, хусусан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Наманган вилоят, шаҳар ва туман ташкилотларида ҳам йўлга қўйилиши аҳоли билан доимий ва самарали мулоқот қилиш, одамларни ўйлантираётган муаммоларга ижобий ечим топишга кўмаклашишда муҳим омил бўлаётир. Ҳудудий ва маҳаллий партия ташкилотлари ходимлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳи аъзолари аҳоли билан мунтазам юзма-юз мулоқотда бўлиб, уларнинг ҳар бир мурожаатини чуқур ўрганмоқда, масала — муаммоларни ўз жойида тезкорлик билан ижобий ҳал этишга яқиндан кўмаклашмоқда.

килотига мурожаат этди. ЎзМТДП Косонсой туман кенгаши раиси Абдусаттор Қаҳҳоровнинг саяё-ҳаракати билан мазкур масала ижобий ҳал қилинди. Туман ер ресурслари ва кадастр бўлими бу борада тегишли ҳужжатларни расмийлаштирди, тумандаги 2-давлат нотариал идораси уларни тасдиқлади, юқорида қайд этилган мол-мулклар фуқаронинг онаси номига ўтказиб берилди.

Чортоқ туманидаги "Ўзбекистон" маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Шахноза Нишоновна турмуш шароитини яхшилаш, оилавий даромадини ошириш мақсадида чорвачилик билан шуғулланиши йўлга қўйиш ниятида партия Чортоқ туман кенгашига мурожаат қилди. Партия ташкилоти унинг мурожаатини ўрганиб, масалани Халқ банки туман филиали воситасида ҳал қилди.

Партия мурожаатини мурожаатим асосида менга йўл-йўриқ ва тавсиялар бериб, қорамол сотиб олишим учун 3 йил муддатга, 7 миллион сўм имтиёзли кредит олишимга амалий ёрдам кўрсатди, — дейди Шахноза Нишоновна. — Бунинг

ХАЛҚ УЧУН ДОИМО ЭШИКЛАР ОЧИҚ

ЎзМТДП Наманган вилоят кенгашига жорий йилнинг олти ойида жисмоний ва юридик шахслардан келган мурожаатларнинг қарийб 60 фоиздан кўпроғи жойида ечим топган. 30 фоизга яқин масалалар бўйича мутасадди ташкилотларга депутатлик сўрови юборилган. Қолганлари юзасидан мурожаат қилган шахсларга ҳуқуқий тавсия ва тушунчалар берилди. Янгикўрган тумани Нанай қишлоғида яшовчи Фарид Мирзаева ҳаётнинг қийин синовларини, турли аччиқ-чучуқларини бошидан кечирган матонатли аёл. Тақдир ҳукмига кўра, турмуш ўртоғи биринчи гуруҳ ногирони бўлса — да, бир ўғил ва бир қизни эзган кам қилмасдан ўстиришга интилди. Ҳаётнинг мушкул синовларини сабот ила енгаётган 56 ёшли Фарид опа мана бир неча йилдирки, оғир ҳасталик билан курашиб келади. Шу боис Фарид Мирзаева хасталикни жароҳлик йўли билан даволатишда кўмак сўраб ЎзМТДП Наманган вилоят кенгашига мурожаат қилди. Унинг мурожаати вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўлимига юборилди. Бўлим мудири Матлуба Жамилованинг тавсиясига кўра, беморга Наманган вилояти перинатал марказига даволаниш учун имтиёзли йўлланма берилди. Бемор тўрт соатлик муваффақиятли кечган операция натижасидан хурсанд, тиббиёт муассасасидаги шифокор ҳамда ҳамширалардан миннатдор.

натижасида оиламиз фаровонлигини таъминлаш, қўшимча даромад топиш имкониятига эга бўлди.

Поп тумани Чодак қишлоғида истиқомат қилувчи фуқаро Мавжуда Соҳибованинг оилавий шароитини яхшилаш ва саломатлигини тиклаш мақсадида моддий ёрдам сўраб қилган мурожаатини туман партия ташкилоти атрофича ўрганиб чиқди. ЎзМТДП Поп тумани кенгаши раиси Умида Сайфидинованинг мазкур мурожаат асосидаги хатидан кейин "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими фуқарога моддий ёрдам кўрсатди.

Йўғур қишлоғида яшовчи Дилрабо Холматова 17 ёшга тўлган фарзандига паспорт олишда жарима солингани учун амалий кўмак сўраб ЎзМТДП Поп туман кенгашига мурожаат қилди. Мазкур масала туман ички ишлар бўлимига йўналтирилди. ИИБ вакиллари жарима фақат 18 ёшдан ошганларга нисбатан қўлланилишини айтиб, фуқаронини жаримадан озод этди.

Олий ўқув юртини тугатгач, вақтинча ишсиз юрган эдим, — дейди Учқўрғон тумани "Янгиер" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Зулайхо Бойматова. — Мутахассислигим бўйича ишга кириш ниятида ЎзМТДПнинг Учқўрғон туман кенгашига мурожаат этдим. Мурожаатим эътибордан четда қолмади. Партия туман кенгаши раиси Илҳомжон Абулжонов ва туман бандликка кўмаклашиш маркази кўмағида "Баркамол

— Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгашининг



ёрдами билан дардимга шифо топиб, оилам, фарзандларим бахтига уйимга дардан халос бўлиб қайтдим, — дейди Фарид Мирзаева. — Бунинг учун партия ташкилоти ҳамда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва перинатал марказ ходимларидан миннатдорман. Биз фуқаролар Президентимиз ташаббуси билан эълон қилинган Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилидан кўзланган мақсад-муддаоларни ўз ҳаётимиз мисолида кўриб турибмиз.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Партия ташкилотларида ташкил этилган қабулхоналар аҳоли мурожаатлари асосида ҳудудлардаги мавжуд муаммо-масалаларни жойида ҳал этишга ҳисса қўшмоқда. Бу эса "Инсон манфаатлари — ҳар нарсдан устун" деган эзгу ғоя ҳаётга изчил татбиқ этилаётганининг амалий ифодасидир.

Зотан, халқ ўз ҳаётини рози бўлиб яшаса, мамлакат янада фаровон ва раванқ топиб бораверади.

Оқилхон ДАДАБОВЕВ, "Milliy tiklanish" мухбири

Диққат, танлов!

"ИСЛОМ КАРИМОВ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНГАН ЭНГ ЯХШИ ИЛМИЙ-ОММАБОП МАҚОЛА" КўРИК-ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг хотирасини, унинг мамлакатимиз мустақиллигини кўлла киритишига, миллий давлатчилигимизни қуршига қўйган улкан ҳиссаси ва Ислом Каримов шахсининг тарихий ролин аниқлаштириш, шунингдек, унинг меросини амаллаштириш мақсадида "Ислом Каримов хотирасига бағишланган энг яхши илмий-оммабоп мақола" кўрик-танлови ўтказилади.

Кўрик-танлов ташкилотчилари — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини кўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси, Республика "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Жаҳон" ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий мемориал мажмуа.

Кўрик-танлов бир босқичда Ислом Каримовнинг 80 йиллиги арафасида ўтказилади.

Кўрик-танловга 2016–2017 йилларда республика ҳамда хориз газет ва журналларида chop этилган, интернет нашрларида берилган материаллар 2017 йилнинг 31 декабригача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган: "Ислом Каримов хотирасига бағишланган энг яхши илмий-оммабоп мақола" кўрик-танлови ғолиби махсус диплом ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 100 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланади.

Иккинчи ўринни олган иккита иштирокчи диплом ва энг кам иш ҳақининг 75 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланади.

Учинчи ўринни олган учта иштирокчи диплом ва энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланади.

Шу билан бирга, кўрик-танлов ташкилотчилари рағбатлантирувчи мукофотларини ҳам таъсис этган.

Кўрик-танлов шартлари:

- Кўрик-танловга миллий ва хорижий газета ҳамда журналларда, интернет нашрларида эълон қилинган ишлар қабул қилинади.
- Кўрик-танловга тақдим этилган илмий-оммабоп мақолаларни баҳолашда қуйидаги мезонлар қўлланилади:
 - Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг мустақиллигини кўлла киритишга, миллий давлатчилигини қуршидаги тарихий роли ва улкан ҳиссаси ёритиб берилганлиги;
 - Ислом Каримовнинг буюк шахс, эркин фуқаролик жамияти ва бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат асосчиси ва бунёдкори сифатидаги ҳаёти ва серқирра фаолияти ёритиб берилганлиги;
 - Ислом Каримов раҳбарлигида Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида шаклланиши ва мустаҳкамланиши тарихи ёритилганлиги;
 - тарихий ҳақиқатга тўғри келиши;
 - илмий манбалардан кенг фойдаланганлиги;
 - юқори илмий, бадиий савияда ёзилганлиги;
 - кенг китобхоналарга мўлжалланганлиги.

Кўрик-танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилиниши лозим:

- муаллиф ҳақида маълумотнома (объективка);
- муаллифнинг турар жойи ҳақидаги маълумотлар, уй ва иш телефонлари рақамлари;
- муаллифнинг паспорт нусхаси.
- Танлов ғолибларини тантанали муҳофотлаш маросими 2018 йил 30 январь — Ислом Каримов тавалуд топган кунини ўтказилади.
- Материаллар "Ислом Каримов хотирасига бағишланган энг яхши илмий-оммабоп мақола" кўрик-танловида деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим: 100163, Тошкент шаҳри, Афросиёб кўчаси, 1/1-уй.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий мемориал мажмуа.

Маълумот учун телефон рақамлари: 230-53-91.

Электрон почта манзили: immm@mail.uz; majtua@mail.uz.

Юзма-юз

МУЛОҚОТ — ИНСОН МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Депутат Жолдасбай Абдижамилев тумандаги "Гулдурсун" овул фуқаролар йиғини ва "Сахтин" шахарча фуқаролар йиғини аҳолиси билан учрашиб, уларнинг турмуш шароитлари билан танишди, мурожаатларини ўрганди. Мурожаатлар асосан электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви таъминотидаги узиллишлар, тиббий хизмат, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, банк-кредит, пенсия, иш ҳақи ва ижтимоий нафақаларни ўз вақтида олиш, тадбиркорлик фаолиятига тўсиқ бўлаётган муаммолардан иборат. Аҳоли томонидан кўтарилган муаммоларнинг айримлари шу ернинг ўзидagina ечимини топади.



— Очиб ва самимий мулоқотлар чоғида таълим муассасалари фаолияти билан боғлиқ масалаларга ҳам дуч келдик, — дейди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Жолдасбай Абдижамилев. — Хусусан, айрим мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ муаммолар мавжуд. Масалан, 13-умумтаълим мактаби маъмурияти спорт майдончасида ўқувчилар учун яратилган шароитлар билан бирга айрим камчиликлар борлигини айтди. Хусусан, мактаб стадионини спорт анжомлари билан таъминлаш, футбол майдончасига чим ётқизиш зарур. Ушбу масалалар юзасидан мутасадди ташкилотларга депутатлик сўрови билан мурожаат қилинди.

Фуқаро Коми Шарипов депутат билан суҳбат давомида ҳудуддаги муаммоларни баён қилиб, уларни ҳал этишда кўмак сўради. Маълум бўлишича, Гулдурсун овулида мактабгача таълим муассасаси мавжуд эмас. Ваҳоланки, ҳудудда 7 ёшгача бўлган болалар сони 650 нафардан ортиқ. Бу эса овулда мактабгача таълим муассасасини барпо этиш, ҳудуд болаларини мактабгача таълим жараёнига жалб этишни тақозо этади.

Ҳудуддаги спорт мажмуасида ҳам шароит кўнгилади деген эмас. Мажмуа раҳбари Расул Болтабоевнинг айтишича, бу ерда юздан зиёд ёшлар баскетбол, стол тенниси ва ўзбек кураши билан шуғулланмоқда. Мажмуада ҳар йили 10 январь кунини академик Тўхтабой Болтабоевнинг хотирасига бағишлаб, кураш мусобақаси ўтказиб келинади. Мамалякатиимизнинг барча ҳудудидан ташриф буюрган ёшлар мусобақада фаол иштирок этади. Шу боис, мазкур спорт масканининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, жиҳозлар билан таъминлаш муҳим вазифалардан биридир. Депутат мураббийнинг ушбу масаладаги мурожаатини тегишли ташкилотларга йўналтириб, унинг ижросини ўз назоратига олди.

Депутат ҳудудда жойлашган "Гулдурсун" нафосати номи тикувчилик цехида ҳам бўлиб, бу ердаги шарт-шароитлар билан танишди, цех ишчиларининг фикр-мулоҳазалари, таклифлари тингланди. Мазкур тикувчилик цехида 60 дан зиёд фуқаро иш билан таъминланган. Депутат ташаббуси билан коллеж битирувчилари Шаҳдо Ҳакимбоева ва Махфира Азатова ушбу тикувчилик цехига ишга жойлаштирилди.

ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТЛАРИ ХАЛ ҚИЛИНМОҚДА

ЎзМТДП фракцияси аъзоси Акмалжон Жамабоев Андижон вилоятининг Жалакудук туманидаги юзлаб хонадонлар аҳолини атрофлича ўрганди. Депутатнинг оила бошиқлари, кексалар, аёллар, ёшлар билан суҳбати асосида турмуш шароити, ижтимоий-иқтисодий муаммолари ва уларнинг ечими юзасидан фикр-мулоҳаза ҳамда таклифлари

умумлаштирилган ҳолда маҳаллий бошқарув органлари, тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари мутасаддилари олдига вазифалар қўйилди. Натижада кўплаб юртдошларимизни қийнаётган муаммолар ўз жойида ҳал бўлди.

Жумладан, учрашувлар давомида 87 мурожаат қайд этилиб, уларнинг 13 таси жойида ҳал қилинди. 74 мурожаатни ҳал этиш учун тегишли ташкилотларга йўналтирилди, ижроси назоратга олинди.

"Кесак" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди аҳолиси билан мулоқотлар давомида ака-ука Ирисбоевлар депутатта ишга жойлаштириш масаласида мурожаат қилди. Ушбу мурожаат депутат аралашуви билан жойида ҳал этилди. Ака-укалар "Агрокимёхимия" ҳудудий акциядорлик жамияти туман бўлини маси ҳамда ту-

ман пахта тозалаш заводида ишга қабул қилинди.

"Намуна" МФЙ аҳолиси ҳудуддаги кўп қаватли турар жойлар атрофида чиқиндилар тўпланиб қолаётгани, аммо бунга бирор мутасадди эътибор қаратишни хаёлига ҳам келтирмаётганидан шикоят қилди. Мазкур муаммо юзасидан туман ободонлаштириш бўлимига мурожаат қилинди ҳамда масала жойида ечим топи.

Олий Мажлис Сенати аъзолари Ойбек Тургунов ва Тожибархон Йўлдошева тумандаги давлат ва жамоат ташкилотлари, маҳаллалар, таълим ва тиббиёт муассасалари фаолияти билан танишиб, маҳалла фаоллари, тадбиркор ва фермерлар, ўқитувчи ва ўқувчилар билан мулоқот ўтказмоқда. Жумладан, Ойбек Тургунов "Қўртқи", "Дехқонобод", "Ҳақиқат" маҳалла фуқаролар йиғинларидаги 57 хонадонга ташриф буюриб, 260 га яқин фуқаро билан учрашди. Учрашувлар да-



вомида 53 мурожаат қайд этилиб, уларнинг 9 таси жойида ҳал этилди. Қолган 44 мурожаатни ҳал этиш юзасидан тегишли ташкилот ва муассасаларга сўровлар юборилди. Масалан, газ таъминоти борасидаги муаммо ижобий ҳал этилди — аҳолига суволирилган газ балонлари тарқатилди.

Халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши депутати, сенатор Тожибархон Йўлдошева тумандаги "Қўштерак" ва "Гулистон" маҳалла фуқаролар йиғинига ташриф буюриб, 155 фуқаро билан суҳбатлашди, уларни қийнаётган масалалар муаммоларини тинглади. Учрашув мобайнида фуқаролар "Гулистон" маҳалла фуқаролар йиғинида тоза ичимлик суви муаммоси анчадан буён ҳал бўлмаётганлигини маълум қилди — ҳудуддаги ичимлик суви насоси ишламаяпти, уни таъмирлаш ишлари эса 7 ойдан буён тўхтаб келмоқда. Аҳоли бир неча марта баъзига ўз маблағлари эвазига сув насосини таъмирлаш ишларини амалга оширган, аммо бу билан муаммо бартараф бўлмаган. Туман "Сувоқова" ташкилотининг бунга масъулиятсизлик билан, панжа орасидан қараётгани аҳолининг ҳақли

эътирозига сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, Бахт ва Ойдин кўчаларини таъмирлаш масаласида ҳам мурожаатлар бўлди. Мазкур мурожаатлар мутасадди ташкилотларга йўналтирилди ва ижроси назоратга олинди.

ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИГА КЕНГ ЙЎЛ

ЎзМТДП фракцияси аъзолари Феруза Ибрагимова, Назир Собиров Бухоро вилоятининг Олот туманида бўлиб, фуқаролар билан юзма-юз мулоқот ўтказди. Ўрганишлар давомида ҳудуддаги мавжуд муаммолар, аҳоли мурожаатларини ижобий ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Депутат Феруза Ибрагимова тумандаги "Чандир" ва "Чорбоқ" қишлоқ фуқаролар йиғинларида, "Усмоншейх", "Жайхун-обод" маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудуддаги Чорбоқ ва Еш ботир, Қипчоқ қишлоқларидаги қирққа яқин хонадонда — юздан зиёд фуқаролар билан мулоқотда бўлди.

Мазкур ҳудуд аҳолиси асосан чорвачилик билан шуғулланади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, паррандачилик, тадбиркорлик фаолияти кенг йўлга қўйилган. Аҳоли вакиллари банклардан имтиёзли кредит олиш эвазига турли йўналишдаги тадбиркорликни самарали йўлга қўйганлиги уларнинг турмуш фаровонлиги ошишига хизмат қилаётган. Шунингдек, ҳудуд Қандим газни қайта ишлаш мажмуасига масофа жиҳатдан яқин бўлганлиги боис аҳолининг бир қисми мазкур мажмуада иш билан банд.

Депутат билан мулоқот чоғида мамлакатимизда қабул қилинаётган ҳужжатлар мазмун-моҳияти, аҳамияти ва уларнинг ижроси таъминланишида жамоатчилик олдидagi вазифалар тўғрисида атрофлича тушунча берилди. Тадбиркорликни бошлаш ва уни юритиш учун банк кредитларидан фойдаланиш, иссиқхоналар куриш, парранда боқиш, лимон ва ёнғоқ дарахтларини кўпайтириш орқали қўшимча даромад олиш юзасидан йўл-йўриқлар кўрсатилди.

— Депутатларнинг уйимизга келиб, ҳаёт тарзини билан танишиши бизни беҳад қувонтирди, — дейди Қипчоқ қишлоғида яшовчи Нозикхон Олимова. — Томорқамизда иссиқхона ташкил этганмиз. Айни кунларда помидор, бодринг ва полиз маҳсулотлари етиштиряпмиз. Иссиқхона ишига барча оила аъзоларимиз жалб қилинган. Шукр, даромадимиз яхши. Тўй қилаёпмиз, уй қураёпмиз. Оилавий тадбиркорлик билан шуғулланаман,

деган ҳар бир фуқарога давлатимиз томонидан барча шароит яратиб берилмоқда. Бундан биз жуда хурсандмиз.

Депутат Чорбоқ қишлоғидаги 27-қишлоқ оилавий поликлиникасида ҳам бўлди, муассаса фаолияти билан яқиндан танишди. 5 минг 880 нафар аҳолига хизмат кўрсатаётган мазкур оилавий поликлиника аввал қишлоқ врачлик пункти сифатида фаолият юритган. Аҳолига кенг қўламли бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш, унинг ўз вақтида ва юқори сифатли бўлишини таъминлаш мақсадида шу йилнинг 29 мартда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ти Президент қарори асосида қишлоқ врачлик пункти мақбуллаштирилиб, оилавий поликлиникага айлантирилди. Тиббиёт муассасаси мудираси Зийнат Жўраеванинг айтишича, айни пайтда оилавий поликлиникада вазият ижобий ямонга ўзгарган, зарур шарт-шароитлар яратилган ва тиббий ускуналар билан таъминланган. Бу имконият аҳоли, айниқса, чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган

фуқаролар учун катта қулайлик яратади.

МУРОЖААТЛАР ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАЙДИ

ЎзМТДП фракцияси аъзолари Алишер Ҳамроев, Азамат Пардаев Булунғур туманидаги қатор маҳалла ва қишлоқларда, таълим, тиббиёт муассасаларида бўлиб, мавжуд муаммоларга эътибор қаратди.

Депутат Алишер Ҳамроев халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзолари билан бирга "Ўртабулоқ" қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Янгиобод маҳалласидаги қатор хонадонларда бўлиб, фуқароларнинг талаб ва истакларини ўрганди. Мазкур маҳаллада жами уч мингга яқин фуқаро истиқомат қилиб, шундан бир ярим мингдан зиёдини аёллар ташкил этади.

Мулоқотда маҳаллада ечимини кутаётган муаммолар, кўча ва йўللارни таъмирлаш, электр энергияси, табиий газ ва ичимлик суви таъминотини янада яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш юзасидан таклиф-мулоҳазалар билдирилди.

— Аҳоли хонадонларига кириб, улар билан суҳбатлашиш давомида ҳудуддаги таълим, тиббиёт, маданият ва спорт муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари, банклар фаолияти ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, таклифларини эшитдик, — дейди депутат Алишер Ҳамроев. — Жумладан, ўрганишнинг дастлабки кунинда туманнинг "Ўртабулоқ", "Мингтепа" қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли маҳаллалар, мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, қишлоқ врачлик пунктларида бўлди. Маҳаллалар фаоллари, тадбиркор ва фермерлар, таълим муассасалари ўқитувчилари, ёшлар, шифокорлар билан мулоқот қилдик. Суҳбатлар давомида жойларда юзага келаётган муаммолар, аҳоли турмуш даражасини оширишга тўсиқ бўлаётган камчилик ва нуқсонлар ҳақида фикрлашдик. Мавжуд муаммоларни тегишли мутасаддилар билан ҳал этиш чора-тадбирлари кўрилди.

Депутат Азамат Пардаев туманнинг "Булунғур", "Амир Темур", Янги ариқ", "Каттақишлоқ", "Олмазор", "Ғўбдин", "Лалмикор" маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлиб, мавжуд муаммоларни ўрганди, фуқаролар мурожаатларини ҳал этишга эътибор қаратди. Масалан, "Ғўбдин" маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли Наврўз қишлоғи ўғил-қизлари 31-умумтаълим мактабида таҳсил олади. Аммо мактабнинг узоклиги боис бошланғич синф ўқувчилари қишлоқдаги бир хонадонда битта ўқув синфи ташкил этган ҳолда таҳсил олмақда. Мазкур масала 31-умумтаълим мактаби маъмурияти, туман ҳокимлиги ҳамда туман автомобиль транспорти корхонаси вакиллари иштирокида ўрганиб чиқилди. 2017 йил сентябрь ойидан бошлаб Наврўз қишлоғидан 31-умумтаълим мактабига ўқувчилар қатновини ташкил этиш бўйича автобус йўлга қўйилишига келишиб олинди.

Шунингдек, ушбу маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи аҳоли депутат билан мулоқот чоғида ҳудудга тоза ичимлик суви етказиб берадиган иншоот икки йилдан буён ишламаслигига эътибор қаратди. Мазкур масала туман ҳокимлиги ва "Сувоқова" корхонаси томонидан яқин кунларда ижобий ҳал этилаётган бўлди.

— Аҳоли билан бўлган мулоқотларда жойларда юзага келаётган айрим камчилик ва муаммоларга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди депутат Алишер Пардаев. — Масалан, ўтган гаги учрашувда Пастдарғом туманидаги "Жағалбойли" маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган бокс клуби фаолиятини расмийлаштириш ва клуб учун муҳим жой ажратиш масаласи кўтарилган эди. Туман ҳокимлиги ва соҳага алоқадор мутасадди ташкилот раҳбарлари билан ҳамкорликда мазкур масала ижобий ҳал этилди. Бугунги учрашувда ҳам айрим маҳаллаларда мактабгача таълим муассасаси йўқлиги, аҳолига тоза ичимлик суви етказиб бериш каби мурожаатлар келиб тушди. Бу масалалар бўйича ҳам тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Абдурашул ҒУЛОМОВ,
Муслима РЎЗИЕВА,
ЎзМТДП Андижон ва Бухоро вилоят кенгашлари матбуот котиблари,
Муҳтарома КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Ташаббус натижа берди

Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Даставвал махсус ишчи гуруҳ тумандаги қишлоқ врачлик пунктларида атрофлича ўрганиш ишларини олиб борди.

— Ўрганиш давомида қишлоқ врачлик пунктларининг жойлашуви, бионинг ҳолати, моддий-техник базаси ва тиббий жиҳозлар билан таъминлангани, ходимлар малакаси, аҳолининг мурожаатлари, кўрсатилмаётган хизмат сифати ва самарадорлигига алоҳида эътибор қаратилди, — дейди халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоси Фатхулло Аҳмедов. — Шу билан бирга, патронаж

ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТИ ТУНУ КУН ИШЛАЙДИ

ЎзМТДП гуруҳи ушбу масалани сессия муҳокамасига киритди

Тизимида амалга оширилаётган ишларни мониторинг қилиш мақсадида хонадонларда бўлиб, аҳоли билан мулоқот қилдик. Суҳбат давомида уларнинг қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини кўнгли тўлмаслиги, дори-дармон таъминоти ва хизматдан норозилиги, тиббий ходимларнинг ташрифи тартибга солинмагани маълум бўлди. Қишлоқ врачлик пунктларини мақбуллаштириш борасида сатий-ҳаракатлардан келиб чиқиб, ўрганишлар асосида бир қатор таклифларни ўртага ташладик. Мақсадимиз — аҳоли учун сифатли тиббий хизмат кўрсатишни таъминлашга кўмаклашиш.

Сессияда тумандаги қишлоқ врачлик пунктлари жойлашувини қайта кўриб чиқиш, самарасиз ишлаётган тиббиёт муассасаларини оптималлаштириш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Уларга сарфланаётган маблағларни талаб юқори бўлган қишлоқ врачлик пунктларининг моддий-техник базасини яхшилашга, мақсадга мувофиқларини оилавий поликлиникага айлантириш, малакали шифокорларни рағбатлантиришга йўналтириш юзасидан таклиф-мулоҳазалар ўртага ташланди. Қишлоқ врачлик пунктлари туну кун ишлаши, шифокорларнинг яшаш шароитларини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Билдирилган таклиф-мулоҳазалар асосида сессия қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ, тегишли мутасадди идоралар зиммасига тумандаги қишлоқ врачлик пунктлари сони 18 тадан 8 тагача қисқартириш, 4 ҚВП ҳамда туман кўп тармоқли



марказий поликлиникаси Чорбоқ филиали негизда кўнгули стационар поликлиникалар ташкил этиш вазифаси юклатилди. Қисқартирилаётган қишлоқ врачлик пунктлари негизда янги 6 тиббий таянч пункти, бир неча тез тиббий ёрдам шохобчалари ташкил этиш, оилавий поликлиникалар ҳудудда аҳоли учун арзон ва сифатли дори воситалари ҳамда тиббий буюмлар билан таъминлаш учун "Дори-дармон" акциядорлик компанияси тизими дорихоналарини жойлаштириш белгиланди.

Туман ҳокими йўриқлари зиммасига аҳолини узлуксиз сифатли тиббий хизмат билан таъминлаш мақсадида шифокорлар учун фаолияти тугатилаётган қишлоқ врачлик пунктлари биноларини уй-жой сифатида фойдаланишга топшириш, шунингдек, туман тиббиёт бирлашмаси раҳбарларига мақбуллаштириш натижасида шидан бўшайдиган ходимларни иш билан таъминлаш, янги ташкил этилаётган қишлоқ врачлик пунктлари ва поликлиникалар раҳбарлигига номзодларни тасдиқлаш учун халқ депутатлари туман Кенгашига киритиш вазифаси топширилди. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари эса аҳолига тиббий хизмат кўрсатаётган тиббиёт муассасалари раҳбарларининг ҳисоботини бир ойда икки марта эшитиш тизимини йўлга қўйиш лозимлиги қайд этилди.

Бир сўз билан айтганда, ушбу масаланинг халқ депутатлари Бўстонлик туман Кенгаши сессиясига олиб чиқиши аҳолининг сифатли тиббий хизматга бўлган эҳтиёжини таъминлаш, айниқса, қишлоқларда яшайётган юртдошларимизни қийнаётган муҳим масалаларни ҳал этишга қаратилган. Сессия қароридан акс этган вазифалар тумандаги қишлоқ врачлик пунктларини мақбуллаштириш, мавжуд тиббиёт муассасалари фаолиятини тубдан яхшилашга хизмат қилади. Зеро, бу борадаги сатий-ҳаракатларнинг барчаси инсон манфаатларини таъминлашнинг муҳим омилidir.

Аҳмад ЮСУПОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Партия лойиҳаси

КРЕДИТ ФАРОВОНЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Мамлакатимизда оилавий тадбиркор ва ишбилармонлар қўллаб-қувватлашни, уларнинг самарали фаолият юритиши учун барча зарур шарт-шароит яратилмоқда. Иқтисодий соҳани ривожлантириш халқ фаровонлигига эришишни мўҳим омилдир. Унга хотин-қизлар ва ёшларни жалб этиш, уларда тадбиркорлик қўшмақчилиги шакллантириш соҳа тараққийини кафолатлайди.

Қашқадарё вилоятининг Яққабоб ва Китоб туманларида ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши, "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки ушбу туманлардаги филиаллари ва туман хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган "Банк кредитлари — хунармандларга" лойиҳаси доирасидаги амалий семинарда шу ҳақда сўз борди.

Хусусан, Китоб туманида бўлиб ўтган семинарда иштирок этган банк соҳаси мутаассадлари тадбиркорликни ривожлантириш, мазкур йўналишда иш бошлаш арасида турган хотин-қизларга бизнесни ташкил этиш, ҳужжат юритиш, солиқ имтиёзлари, кредит олиш ва бошқа масалалар юзасидан зарур тавсия ва маслаҳат берди.

— Хотин-қизлар ва ёшлар учун яратилаётган қулай шарт-шароитлар уларнинг ишбилармонлик қобилиятини юзага чиқариб, жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамламоқда, — деди "Микрокредитбанк" АТБ Қашқадарё вилоят бўлими кредитлаш бўлими бош мутахассиси Фаррух Жумаев. — Президентимизнинг 2016 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланиши таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида фаолият юритаётган аёллар, оилавий тадбиркорлар сафининг кенгайишида мўҳим асос бўлмоқда. Оилавий тадбиркорлик ва миллий хунармандчиликни ривожлантириш, хотин-қизлар ва ёшларга имтиёзли банк кредитлари ажратиш, уларни зарур ҳуқуқий маълумот ва банк хизматларининг

сўнгги янгиларида бохабар қилиш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлашда бу каби тадбирлар мўҳим аҳамиятга эга.

Амалий семинарда "Хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш — устувор вазифа", "Банк кредитлари олишнинг тартиби ва мезонлари" каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Савол-жавоб руҳида ўтган семинарда аниқ тақлиф, амалий тавсиялар билдирилди, партиянинг ҳамкорлар иштирокидаги тегишли вазифалари белгилаб олинди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан банк мутахассисларидан жавоб олди.

Гулангом САТТОРОВА, ЎзМТДП Китоб туман кенгаши раиси:

— Партияимизнинг маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, оилавий тадбиркорлар, касаначи ва хунармандларни қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳаси ҳудудларда тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини янада ривожлантиришга ҳисса қўшаётди. Бугун ўзларининг тадбиркорлик ва хунармандчилик фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган хотин-қизларга имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топирилади. Жумладан, Зухра Қаҳқорова, Дилрабо Даминова, Умринисо Ҳамидова, Хуршида Лапасова ҳамда Мадинабону Рашидова ана шундай сертификатга эга бўлди. Улар асосан тикувчилик ва миллий хунармандчилик маҳсулотлари тайёрлашни йўлга қўйиш ниятида. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йўлида ЎзМТДП ташкилотлари аҳоли орасига янада чуқурроқ кириб бориб, бу каби ишлар қўламини янада кенгайтиради.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолиди Платформасида миллий хунармандчилик турларини ривожлантириш, қадимги бадий хунармандлик мактабларининг анъаналарини сақлаб қолиш устувор вазифа сифатида белгилаган. Ушбу дастурий вазифани амалга оширишда партиянинг "Банк кредитлари — хунармандларга" лойиҳаси доирасидаги амалий семинарлар мўҳим аҳамият касб этмоқда.

Партия Андижон вилоят кенгаши вилоят хотин-қизлар кўмитаси ҳамда "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банки вилоят филиали ҳамкорлигида ана шундай мақсадга қаратилган "Банк кредитлари ёшлар ва хотин-қизлар учун" мавзусида семинар ташкил этди.

Дастлаб коллеж битирувчилари ва хотин-қизлар тадбиркорлигини йўлга қўйиш, бизнес режа тузиш, имтиёзли кредит олиш тартиби-қондаларига оид маълумотларга эга бўлиши учун кўргазмали тақдимот наомийш этилди.

Унда тадбир ташкилотчилари ва молия-банк ходимлари ўз бизнесини бошлаётган тадбиркорларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган семинар-тренингларни кўпроқ ташкил этиш, ишбилармон ёшлар ва хотин-қизларнинг илғор ғоя ва ташаббусларини рўёбга чиқариш, уларнинг тадбиркорлик лойиҳаларини муваффақиятли амалга ошириш учун зарур ташкилий, ҳуқуқий маслаҳатлар бериб бориш лозимлигини таъкидлади.

— Партия иқтисодий соҳада кучли миллий иқтисодий шакллантириш, мамлакатимизда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни самарали қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсатга қўмақдош бўлиш, аҳолининг электротарқисми бандлиги, биринчи навбатда, хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида хунармандчилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш каби мақсад-вазифаларни илгари

сурмоқда, — деди ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Ҳамиджон Омонов. — Шу боис партияимиз ана шундай мақсадга қаратилган давра суҳбати, ўқув-семинар ва лойиҳалар ташкил этиб, ёшлар ва хотин-қизларга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда яқин кўмақдош бўлмоқда.

Партиянинг "Банк кредитлари — хунармандларга" лойиҳаси доирасида ишлаб чиқарувчилар, оилавий тадбиркор ва хунармандларга имтиёзли кредитлар ажратилмоқда, янги корхона ва иш ўринлари яратилмоқда, айрим корхоналар ўз фаолиятини янада кенгайтириш имконига эга бўлмоқда.

— Ёшлигимдан тикувчиликка қизиқганим боис устозларимдан маслаҳат олиб, бизнес режа туздим, — дейди семинар иштирокчиси Робия Акромова. — Бизнес режамни амалга ошириш учун қарийб саккиз миллион сўм миқдорда маблағ керак бўлди. Партия ташаббуси билан ана шундай имкониятни қўлга киритдим. Бу билан ҳам иш ўрни яратилди, ҳам оилам фаровонлиги таъминланишига ўз ҳиссамни қўшаман.

Семинар доирасида ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши ҳамда ҳамкор ташкилотлар тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган коллеж битирувчиларнинг 20 нафарига имтиёзли кредит олиш учун махсус сертификатлар топшириди. Партия олиб бораётган тарғибот ишларида аҳолини мазкур соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти билан таништириш ишларини янада кучайтириш, тадбирларни молия-банк муассасалари билан ҳамкорликда ташкил этиш, соҳада ечимини кузатиш мумкинлигини бартараф этиш юзасидан тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Акбарали ХУДОЙБЕРДИЕВ, Усмон АБДУРАСУЛОВ, "Milliy tiklanish" мухбирлари

Дастурий вазифалар ижроси

Баланд тоғлар билан ўралган, қўл ва дастликлардан иборат Форш тумани қишлоқларида миллий-тарихий қадриятларимизни асраб-авайлаш, йратиш, тиклашга алоҳида аҳамият қаратилади. Ўзбек, тожик ва қозоқ миллатига мансуб аҳоли вакиллари азалдан бақадимти яшаб келадиган ҳудудда қадим маданиятнинг тўғра намуналари асрлар она сақлашиб келмоқда. Ҳўжа бобон ота зиёратгоҳи, Хонбанди тўғони ёдгорлиги, Қоратош, Абдуллахон чорбои, Гумбаз Оқтепа, Қизучгантепа, Хонкелдштепа, Топоота, Отақўронттепа, Қоровултепа, Қўрғонтепа, Султонттепа, Номсизтепа каби археологик ёдгорликлар туманининг тарихий, маънавий-маданий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида мўҳим ўрин тутлади.

ФОРИШ ЎЛКАШУНОСЛИК МУЗЕЙИ

ЎЗМТДП ЭЪТИБОРИДА

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Жижзах вилоят, Форш туман кенгашилари ходимлари, "Ёшлар қаноти" фаоллари ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгаш депутатларидан иборат гуруҳ партия дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, туманда ўрганишлар олиб борди. Ўрганишлар давомида ҳудуд аҳоли, турли ташкилот ва идоралар вакиллари билан мулоқот қилиниб, уларнинг мурожаатлари тингланди. Мазкур жараёнда тумандаги мўъжазгина ўлкашунослик музейи ишчи гуруҳи эътиборини тортди. Ушбу музей ташкилотчиси ва раҳбари Норинисо Ирисова партия вакиллари билан самимий суҳбат чоғида музей тарихидан сўз очди.

— Ёш авлод маънавияти, онгу тафаккурини юксалтириш, дунёқарашини кенгайтириш, уларни она Ватанга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий масканлар мўҳим ўрин тутди, — дейди Норинисо опа. — Айни шу мақсадда туманимиз имконияти ва салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда ўлкашунослик музейини ташкил этиш ташаббуси билан чиқиб, Олий Мажлис ҳузуридаги ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш бўйича жамоат Фондини 25 миллион сўмлик грантини ютиб олишга муваффақ бўлдим. 2015 йилда туман ҳокимининг қарорига мувофиқ "Боғдон" маҳалла фуқаролар йигини ҳудудидаги эски бинада Форш ўлкашунослик музейини ташкил қилдик. Хонадонма-хонадон юриб, аҳоли қўлидаги турли даврларга оид буюмлар, тарихий ашёларни йигдик.

Бугунги кунда музейимизда тош даврига, XIX-XX асрларга оид, шунингдек, мустақиллик манзаралари тасвирланган 600 дан ортиқ экспонат мавжуд. Улар орасида ота-боболаримиз деҳқончилик ишларида фойдаланган меҳнат қуроллари, уй-рўзгор буюмлари бор.

Ҳудуд тарихидан сўзловчи ушбу маскан ҳақиқатан ҳам ўлка ҳаётини, ота-боболаримиз шонли ўтмишини ўзида акс эттириб турибди. Бой тарихини ўрганиш, тарғиб этиш, шунингдек, бугунги замонавий туман ҳаётини келажакка муҳрашда ушбу ўлкашунослик музейи алоҳида ўрин тутди. Аммо музейнинг айни пайтдаги ҳолати қоникрали даражада эмас. Норинисо Ирисова музей фаолиятини янада ривожлантириш, бинони жорий таъмирлаш, атрофини ободонлаштириш каби масалаларда партия вакиллари ва депутатларимизга мурожаат қилди.

— Музейда жамланган турли даврларга оид уй-рўзгор буюмлари, иш қуоллари, халқ амалий санъати намуналари туманининг узоқ ва яқин тари-

хидан ҳикоя қилади, — дейди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Амшер Қодиров. — Еттига бўлимдан иборат музейнинг ҳар бир экспонати ўзининг қиймати, ноёблиги ва тақрорланмаслиги билан бебаҳо маънавий бойлик ҳисобланади. Таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўзбек халқининг бой тарихи ва маданиятини ўрганиш, тарғиб этиш, ёшларда тарихий мерос ва халқ анъаналарига чуқур меҳр-ҳурмат, эътиром уйғотиш, тарихий, маданий ва илмий-интеллектуал меросни кўз қорачиқдек асраб-авайлаш, бойитиш



ва уларни янада кўпайтиришга кўмаклашишни устувор мақсад-вазифаларидан деб билади. Ушбу музей фаолияти партия дастурий мақсад-вазифаларимизга мос ва ҳамоҳанг. Шу боис музей раҳбарининг мурожаати ижобий ҳал этилишига киришдик. Туман ҳокимлиги билан биргаликда музей фаолиятини ривожлантириш, бинони таъмирлашга оид чора-тадбирларни белгилаб олдик. Таъмирлаш, ободонлаштириш ишларидан сўнг партия вилоят ва туман кенгашлари билан биргаликда музейда ҳудуд туристик салоҳиятини ошириш юзасидан амалий конференция ўтказишни режалаштирдымиз.

Дарҳақиқат, ушбу ўлкашунослик музейи, қолаверса, тарих тилишини ўзида яширган қатор тепалик ва археология ёдгорликлари ҳудудда туризмни ривожлантириш имконини беради. Ушбу масканларга, айниқса, ёшлар таъмирини ўзлаштириш уларнинг тарихий билим ва тасавурларини бойитишда мўҳим аҳамиятга эга. Бу борада партия "Ёшлар қаноти"нинг "Юртим тарихини ўрганами" шiori остидаги "Тарихдан садо берувчи обод гўшалар" акцияси ҳамда "Тарихий масканлар — замондошлар нигоҳида" деб номланган пресс-тур ташкил этиш бўйича келишиб олинди. Форш ўлкашунослик музейи фаолияти энди ЎзМТДПнинг доимий эътиборида бўлади.

Мухтарам РАМАЗОНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Давра суҳбати

КУРАШ — МИЛЛИЙ ИФТИХОРИМИЗ

Бугун ўзбек кураши спорт тури сифатида дунё миқёсида эътироф этилиб, ўз ўрни ва нуфузига эга бўлмоқда. Инсонпарварлик ғоялари билан йўрилган миллий курашимиз ёшларнинг нафақат жисмоний камолоти, балки маънавий юксалишида ҳам мўҳим аҳамият касб этади. Боиси халқимизга хос бўлган ҳалоллик, мардлик, жасурлик сингари хислат ва қадриятлар ўзбек миллий курашида ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" ташкил этган "Ўзбек кураши — жасорат ва ҳалоллик тимсоли" лойиҳаси доирасида "Кураш — миллий ифтихоримиз" мавзусидаги давра суҳбатида шу ҳақда сўз борди.

— Мамлакатимизда спортни ривожлантириш, жумладан, ўзбек миллий курашини кенг тарғиб қилиш, оммалаштириш ва халқаро нуфузини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — деди ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши Ибройла Қўмирати. — Бу борада мутахассис Бобур Қодиров. — Бу борада Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси миллий қадриятларимиз, матонат, жасорат, ватанпарварлик ва инсонпарварлик асосларини ўзида ёрқин мужассам этган ўзбек курашини Олимпия ўйинлари қаторига киритиш, унинг нуфузини янада ошириш ва мустаҳкамлаш тарафдорин. Шу боис партия ушбу спорт турини ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш, курашчиларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, кураш билан шугулланишни учун ёшларга қулай шарт-шароитлар яратишга хизмат қиладиган қатор давра суҳбати, тадбир ва мусобақалар ташкил этишга эътибор қаратаётганини диққатга сазовор. Бу миллий спорт тури билан шугулланувчилар сафини янада кенгайтириш, ўзбек курашининг ўзига хос жозибасини халқаро ареналарда намойён этиш, умуман спортчиларимизни янги марралар сари руҳлантиришда мўҳим аҳамиятга эга.

Бугун бир юз ўттизга яқин мамлакатда кураш федерациялари фаолият юритмоқда. Кураш халқаро ассоциацияси ҳамда ўнга аъзо Осиё-Океания, Европа, Панамерика ва Африка кураш конфедерациялари томонидан мазкур спорт тури бўйича жаҳон ва қитъа чемпионатлари, халқаро турнирлар юқори савияда ташкил этилаётди. Бу мусобақаларда дунёнинг барча қитъасидан номдор

полновлар ўзбекиона камтарлик ва мардонаворлик билан таъзим қилиб, ғиламга чиқмоқда.

Миллий курашимизнинг аёллар ва ўсмирлар ўртасида ҳам оммалашаётгани уни Олимпия ўйинлари сафидан ўрин олишга имкон яратди. Бу муваффақиятлар, албатта, ҳам биринчини гурурантиради. Айниқса, ор-номус учун ғиламга чиқиб келаётган полновларнинг бир-бирларига таъзим қилиши, баҳс тугатгандан сўнг, ёдустона қўл олиши дунё халқларининг ўзбек кураши ва ўзбекиона қадриятларига ҳурмат билан қарашга ундамоқда. Ўзбек сўзларини бурро-бурро айтаётган хоризжлик ҳакамларнинг овозлари қулоғимизга ёқиман эшитилишининг сабаби ҳам аслида миллий анъаналаримизнинг қадр топганидан далолат.

— Тарихи узоқ асрларга бориб туташадиган кураш азалдан адолат ва ҳалоллик тимсоли сифатида халқимиз турмуш тарзидан чуқур жой олган, — деди Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ депутатлари Олмалик шаҳар Кенгаши депутати Жонсаид Турдиев. — Уч ярим минг йиллик тарихга эга миллий қадриятимиз — кураш мустақиллик йилларида том маънода дунё спортига айланаётди. Кураш фалсафаси, моҳияти ва унинг жозибаси бутун дунёни лол қолдиarmoқда.

Осиё олимпия кенгаши курашининг халқаро майдонда тез оммалашаётганини инобатга олиб, уни 2018 йили Индонезиянинг Жакарта шаҳрида ўтказилган XVIII ёзи Осиё ўйинлари дастурига киритди. Бу, ўз навбатида, ўзбек миллий курашини спорт оламининг энг нуфузли мусобақаси — Олимпия ўйинлари дастурига киритиш йўлида мўҳим қадам бўлди.

Давра суҳбати доирасида ташкил этилган кураш бешлашувлари ҳамда кураш устозларининг маҳорат дарслари иштирокчиларда катта қизиқиниш уйғотди.

Усмон РУСТАМОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

Фаолият

ДЕПУТАТЛИК ИМТИЁЗ ЭМАС...

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили депутатлар зиммасига ҳам юксак масъулият юклатди. Бугунги депутат одамларнинг йўл-фиқрлари билан қизиқса, аҳолини қийнаётган муаммоларни худди ўзиникидек қабул қилиб, уни ҳал этишга жон-жаҳди билан киришса, унга бўлган ишонч ортади, пировардида сайловчи олдида юзи ёруғ бўлади.

Халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашидаги депутатларнинг 10 нафари Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан сайланган. Улар сайловчилар ишончини оқлаш, одамларнинг муаммоларини ҳал этиш мақсадида ваколатдоирасида қатор ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, шу йилнинг биринчи ярмида партия гуруҳимиз аъзолари турли масалаларда тегишли ташкилотларга 37 депутатлик сўровини юборди ва уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилди. Мурожаатлар орасида турли соҳа ва ҳудудда оид муаммолар, одамларни ўйлангирётган катта-кичик масалаларга бор. Бундан ташқари, ҳудудларни ободонлаштириш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ҳам сайловчиларга яқиндан кўмак беришга интиляимиз.

Озода ва обод жойда файзу барака бўлиши тайин. Шу маънода Гулистон шаҳрининг бугунги кўркем қиёфаси кўпчиликнинг ҳавасини келтиради. Бироқ гуруч кўркемиз бўлмаганидек, айрим маҳаллаларда мутасаддиларнинг атроф-муҳитни ободонлаштириш масаласига бўлган лоқайлиги ва эътиборсизлиги ҳудудларда чиқиндиларнинг бир жойда тўпланиб қолишига сабаб бўлаётди. Яқинда "Бўстон" маҳалла фуқаролар йигини ҳудудида истиқомат қилувчи бир гуруҳ фуқаролардан айни шу масалада мурожаат келиб тушди. Уни

ўрганиш мобайнида маҳалла ҳудудида чиқиндилар анча пайтдан бери тўпланиб қолгани боис ўта хунук манзара ҳосил бўлганига гувоҳ бўлдик. Энг ёмони, шу маҳаллада жойлашган 16-умумтаълим мактаби ҳудудида ҳам чиқиндилар уюмига дуч келдик. Мутасадди идораларга юборилган депутатлик сўровидан сўнг ушбу масала ўз ечимини топди. Бундан ташқари, "Истиқлол" маҳалла фуқаролар йигини фуқароларининг ҳудудда канализация тизимини яхшилаш борасидаги мурожаати ҳам партия гуруҳимиз сай-ҳаракати билан ижобий ҳал этилди.

Аҳоли билан ўтказилаётган доимий учрашув ҳамда очик мулоқотлар ҳам депутатлар фаолиятининг самарадорлигини оширишга хизмат қилаётди. Юзма-юз мулоқотларда асосан уларни ўйлангирётган муаммолар ўрганилмоқда. Масалан, шаҳримизда истиқомат қилувчи Дилноза Эрбўтаева-нинг мурожаати асосида фарзанди Д. Шодиева шаҳардаги 10-мактабга таълим муассасасига ишга жойлашди. Шунингдек, фуқаролар Г.Боймуродова, И.Сирлибоев, А.Абдурахмонов ва Д.Санованинг озғани мурожаатларига асосан уларнинг турли ташкилот ва корхоналарга ишга жойлашишига кўмаклашди. Бундан ташқари, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотган оилалар ҳолидан хабар олиб, уларни моддий-маънавий

қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилдымиз. Президентимизнинг 2016 йил 29 декабрдаги "2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг вилоят халқ ташкили бошқармасидаги ижроси бўйича амалга оширилаётган ишларни ўрганиш мақсадида депутатлик сўрови юбордик. Айни пайтда мазкур масалалар муфассал ўрганилмоқда.

Депутатлик — мартаба ёки имтиёз эмас, балки халққа яқин кўмақдош бўлиш имкониятидир. Депутат халқ билан давлат идораларини бир-бирига яқинлаштирувчи, боғловчи кўприк, одамларни ўйлантираётган масалаларни чуқур ўрганиб, уларга ечим топишда асосий ташаббускор саналади. Шу боис биз партия сайловолиди Платформасида белгилаган вазифаларни ҳаётга изчил татбиқ этиш, сайловчи ва электротар манфаатларини таъминлаш ва бу орқали ҳудудлар ободлиги, халқимиз фаровонлигини оширишга ҳисса қўшишни асосий вазифамиз деб биламиз. Ана шу масъулият ҳисси бизни янада фаол ишлаш, аҳоли билан мунтазам мулоқот қилиш, уларни ўйлангирётган муаммоларни ҳал этиш, фуқароларнинг энг яқин кўмақчиси, халқнинг ишончли вакили бўлишга ундайди.

Барно НАЗАРОВА, халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат



Миллий мерос

ФОЛЬКЛОР — МИЛЛАТНИНГ БОҚИЙ ТАРИХИ

“Адабиётни бўлмаган халқ учраши мумкин, аммо фольклори бўлмаган халқ йўқ, десак адашмаймиз. Чунки фольклор халқ билан тугилди. Фольклор ва адабиёт ишон рўҳининг маънавий озақларидан ҳисобланади”, дейди ўз ФА ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг етакчи илмий ходими, таниқли фольклоршунос олим, филология фанлари доктори Шомирза ТУРДИМОВ.

Олим билан суҳбатимиз ўзбек фольклорини ўрганиш, тадқиқ ва тарғиб этишнинг ўзига хос жиҳатлари, соҳада амалга оширилаётган ишлар, бу борадаги муаммолар, уларнинг сабаб-оқибати ва ечимлари ҳақида бўлди.

— Шомирза ака, дунё халқ оғзаки ижодига назар ташласак, бошқа миллатлар санъатида мифология унсурлари нисбатан кўп қузатилади. Бизда эса, аксинча. Бу фольклор намуналарига эътиборсизлик оқибатини?

— Эпоснинг жонли ижро жараёнида яшаш ва қабул этилишида, англанишида эпик хотиранинг ўрни муҳим. Эпик хотира нафақат бахшиларга тегишли, балки тингловчиларнинг ҳам дoston мазмунини, мундарижасини, ижросини, устоз ва шогирдлик муносабатлари ҳамда бошқа жиҳатлардан бохабарлигини аниқлатади. Эпик хотира дoston анъаналарининг сақланиб қолиши, унинг авлоддан-авлодга ўтишида, эпоснинг ижродан-ижрога янада бойиб боришида, хотиранинг қон ёдига ўтиб мустаҳкамланишида, бошқа санъатларда қайта тугилишида асос бўлиб хизмат қилади. Биз дунё халқлари фольклори, мифологиясини қузатар эканмиз, беихтиёр ўзимизда қандай, деган савол қаршисини қозғайди. Назаримизда бизда мифология йўқдек, елгончи тасаввур пайдо бўлади. Етмишдан ортқ “Гурўғли” туркуми дostonлари, бу дostonларда қахрамонларнинг ер юзаси, ер ости ва кўкда кечувчи воқеалар тизими қаердан пайдо бўлди, деган саволни ўзимизга бермаймиз.

“Алпомиш” ва бошқа ўнлаб дostonларимизда-чи? Нега Алпомишнинг “сувда чўммас, қилич ўтмас, оловда ёнмас” айти бизни ўйлантирмайди. Дунёнинг кўпчилик халқларидан фарқли равишда бизда эпос жонли ижро жараёнида ХХI асрда ҳам давом этаётганини назарда тутсак ва халқимизнинг эпик ижоди алақачон бадиий эстетик босқичда ривожланиб келаётганини фикр қилсак, саволлар ўз жавобини топади. Ўзбек мифологияси фольклор асарлари, хусусан, эпосларга сингишган, бадиий талқинларини олиб янги сифат босқичга ўтиб улгурган. Биз халқимиз мифологик тизимини тикламоқчи бўлсак, аввало, халқ дostonлари, эртакли ва афсоналари маънавийдан, образларидан излашимиз керак бўлади. Эпик ижод бадиий-эстетик ҳосила, халқимизнинг қадим тарихи, тафаккури, кўп асрлик миллий маданияти билан чамбарчас боғлиқ. Бундай катта меросга эга халқ дунёда жуда кам.

Мифологиянинг фольклорий тафаккурда, эпик ижоддаги ривожини бошқа масала, лекин бу мероснинг бутунлиги кун санъати, адабиётдаги ўрни ва хизмати алоҳида ўйлаб кўриш, чексиз имкониятларга эга, изланишлар олиб боришимиз шарт бўлган истиқболли бойлигимиз эканлиги бор гап.

Фарб давлатлари юнон, миср, ҳинд мифологияси асосида мультфильмлар, сериаллар, фильмлар суратта олишда олдинги сафда бормоқда. Фарзандларимиз ўзбек фольклори қахрамонларидан кўра уларни кўпроқ билмоқда. Бу ўринда уларни айблов бўлмайди. Маънавий бўлиқни эгаллаётган “бегона” қадрлар ўрнига ўз меросимизнинг янгиланган, замон талабларига мос шакллари тасвир этиш бизнинг бурчимиз ва фарзандларимиз олдидаги катта қарзимиздир. Асл фольклор асарлари маънавий инсон камолоти учун хизмат қилганидан гога туради. Биз тақдим этувчи янги асарлар ҳам шу йўлдан оғмаслиги шарт. Бутунлиги кунда кўпчилик ёшларни оҳангаробдек тортадиган “Гарри Поттер” фильмнинг туб асоси ҳам шундай деб айта олмаيمان. Унда найб олами, инсоннинг хаёлотини билан боғлиқ воқеалар, персонажлар мифология билан бойитилган. Аммо уларнинг илдизи, маънавий эътиқодсизлик, одамни чағитувчи кучларга маҳдидлик устун. Бизнинг фольклоримизнинг мутозот намуналаридан

бундай эмас. Уларда инсоннинг жисмоний ва маънавий камолоти бор бўйи билан, босқичма-босқич ўз ўрнида кўрсатилган. Чет мамлакатлар санъатида ҳам ўрнак олишга арзугулик асарлар, уларнинг янги талқинлари кўп. Бу хил намуналардан воз кечмаслик керак. Аксинча ибрат намунаси сифатида қадрлаш, фойдаланиш зарур.

— Бироқ болаларнинг фарб мифологиясига қизиқиши, улар ўйлаб топган қахрамонларга эргашиши кучлироқ. Уларга миллий қахрамонларимизни ўрнак қилиб кўрсатиш учун нима қилиш керак, деб ўйлайсиз?

— “Алпомиш”, “Гурўғли”, “Кунтуғмиш”, “Равшан” каби дostonларимиз, эртақлар, кўшиқлар, матал ва мақоллар ёш авлоднинг маънавиятини бойитиш, уларда гўзал инсоний фазилатларни шакллантиришда муҳим манбадир. Бироқ халқимизнинг мана шундай маданий меросини улгурлигини намойён этиш, уни халқаро миқёсда кенг тарғиб қилиш, ёшларда Ватанга садоқат ва миллий гурур туйғуларини, дунёқарашини ва тафаккурини юксалтиришда улардан кенг фойдаланиш бутунлиги куннинг долзарб вазифасидир.

Биргина “Одиссей” эпосининг ўнлаб кино талқинлари бор. Ҳар бир талқин дoston сюжетини, қахрамонлар ҳаётининг янги қирраларини ташоабинга тақдим этади. Эпосни чуқурроқ англашга, идрок этишга, ундаги рамзаларни янгидан танишга хизмат қилади. Биз ҳам бу йўлдан боришимиз керак. Корейслар Жумонгнинг халқига ва бутун дунёга кино орқали танитди. Аслида эса Жумонг ҳақида кичкина бир ривоят бор, холос. Корейс ижодкорлари ўша ривоятнинг асосидан фойдаланишни, уни чинакам халқ қахрамони даражасида улғулашни урдалади. Бизнинг Гурўғли ҳақидаги дostonларимиз бу жиҳатдан битмас-туганмас хазина. “Алпомиш”нинг ҳам бир қўшиғи, ундаги хикоятлар қанчадан-қанча талқинлар учун асос бўла олади. Уларга қўшимча қилиш учун на сюжет, на воқеа, на қахрамонлар ўйлаб топиш шарт эмас. Фақат уларни ўрнак сифатида кўрсатишимиз учун ифода воситаларини, янги талқинларни топишимиз керак, холос.

Яқинда тўрт яшар боланинг ўргимчакни кўриб, қўриқчи ўрнига уни ушлашга уринганини, устига-устак “ўргимчак, мени чақ”, деб илтимос қилганини эшитдим. “Нега бундай дейсан?”, деб сўрашса, “ўргимчак-одам” бўламан, дебди. Ёки шу ёшдаги қизалоқ сочини ўстириб, арқон ўрнида ишлашни орзулар экан. Негаки, у сочи узун малика ҳақидаги мультфильмни кўриб, шундай фикр юрттапти. Демак, болаларимиз кинода кўрган қахрамонларига, уларнинг жасоратларига ҳавас қиломоқда. Шундай бўлиши табиий. Бу ерда уларнинг орзу-ҳавасларига ибрат бўлувчи ўз қахрамонларимизни тақдим этишга эҳтиёж бор.

— Нима деб ўйлайсиз, халқ оғзаки ижодини кенг қамровли тарзда англашти ва тарғиб этиш учун яна нима қилиш керак?

— Бор нарсани борича кўрсатиш керак. Халқда бир гап бор: “етти ака-ука бўлмасаям, битта синглинг бўлсин”, деган. Чунки сингли акаларни таърифловчи, ҳозирги замон тилида айтганда реклама қилувчи экан. Айтайлик, аканинг кўлидан ҳеч нарса келмаслиги мумкин, аммо сингли унинг йўлини яшириб, борини ошириб кўрсатар экан. Назаримда, халқимизнинг бой маданий меросининг “синглиси” — рекламачиси, мақтанадигани йўқ. Ваҳоланки, бу бойлиқнинг улгурлигини намойён этиш, кўрсатишнинг турли йўллари — телевидение, театр, кино ва бошқа санъат турлари жуда кўп. Биргина мисол: ишлаб чиқариш маҳсулотларининг номланишидан фойдаланиш ҳам тарғибнинг бир тури. Масалан, нега энди бирор маҳсулотта “Алпомиш”, деб ном бериш мумкин эмас? Ҳолбуки, исталган чекка бир қишлоққа боринг, дўконнинг эшигига “Орен”, деб ўқловдай ҳарфларда ёзиб қўйибди... Хуллас, бизда ҳозирча негадир бунинг тескариси.

— Шу ўринда хаёлимга шундай фикр келганини қаранг: балки фольклор кўшиқларини тарғиб қилишда замонавий мусика имкониятларидан фойдаланиш керакдир?

— Ҳар бир замоннинг ўз сўзи ва оҳанги бўлади. Масалан, ХХ аср бошларидаги ва ундан кейинги даврлардаги мусикамизни олайлик. Йиллар ўтгани сайин уйқоқи оҳанг устун бўлиб бораётганини қузатиш мумкин. Сабоби, замоннинг шиддати куй-қўшиққа ҳам таъсир ўтказган. ХХI аср бошига келиб эса бу жуда англаб оларсиз даражага етди. Дунёнинг тили ва оҳанги

бир бўлиб қолди. Қайсидир маънода санъат ўз йўлидан адашиб кетаётганга ўхшайди. Аслида санъатнинг адаштирадиган эгри йўллари жуда кўп. Адашмаслик учун дид шакланган бўлиши керак. Дид эса фольклор орқали шаклланади.

Шу ўринда ёмон нарсага кўниккан одам яхши нарсанинг баҳосини бера олмаслиги борасида бир ривоят эсимга тушди. Бир киши атир-упа сотиладиган атторлик дўкони олдида ўтаётди, хушидан кетиб қолади. Кўпчилик сув сепса ҳам ўзига келмайди. Шунда бир одам чиқиб олиб келиб унинг бурнига гўдади ва хушидан кетган ўзига келади. У кетгач, одамлар чиқиб қидланган одамдан “Нега бундай қиддинг?”, деб сўрайди. Шунда у: “Бу одам — тери ошловчи. Димоғи тери ҳидига ўрганган. У биз муаттар, деб билан қидларга кўниколмайди. Бундан ўлиб қолиши ҳам мумкин”, деб жавоб берган экан.

Фольклор берадиган билим, эстетик дид оилавий тарбия орқали камол топади. Янгилашлар келиб-кетаверади, аммо улар илҳомланадиган, улар суянадиган мағиз — фольклор бўлиб қолаверади.

— Фольклор шахсининг шаклланишида қандай ўринга эга?

— Ота-боболаримиз болага беш ёшгача пошшодай, беш ёшдан 14 ёшгача қудай қара, 14 ёшдан кейин дўстдай кўр, дейди. Бу гапда катта ҳикмат бор.

Беш ёшгача болага дастлаб ала айтилади. Бола аланнинг сўзини тушунмайди. Аммо унинг оҳанги бола руҳига сингади. Ундан кейин эртақ айтилади. Эртаққа фақат саргузашт сифатида қаралади. Аммо эртақ саргузаштларида билимларнинг қорди турибди.

“Тухум билан буйрак” ҳақидаги эртақни эсланг: тухум билан буйрак янтоқ чо-пишга чиқибди. Ишлаб-ишлаб қоринлари очибди. “Нима есак экан?”, деб ўйланишибди. Шунда улар “қурашга тушамиз, енгилганинг енган ютади”, деган тўхтама келибди. Қарангки, белашувда буйрак тухумдан енгилди. Тухум буйракни юти юборади. Қаргани, эчкини, тойқоқни бизни, бўғалоқни тузани, хуллас, анчайин нарсани кўрдим демайди ва охир-оқибат кампирнинг тухуми боради. Кампир оташ-курак билан тухумни босганида тухум ёрилиб, унинг ичидан ҳамма овоз бўлади.

Бу эртақнинг негизиде дунё пайдо бўлганидан уруғдан унган, энг олдида мураккабгача, деган назария турибди. Бола буни тушунмайди, аммо руҳига, онгига бу сингади. Демак, оҳанг ала билан келиб, билимлар эртақлар билан берилди. Дунёдаги энг катта кашфиётчилар образини тафаккур юртдан инсонлардир. Топишмоқлар шу вазифани бажаради. Боланинг ақли чархланиши, образли тушуниши учун бу зарур. Тасавури бой бўлмаган одам — робот-одам бўлади.

Навбатдагиси ўйин орқали. Ўйин боланинг жамиятдаги вазифасини белгилайди. Кимдир подшоҳ, кимдир вазир бўлади. Шу жойда болаларнинг жамиятдаги ўрнини белгилайди кўникма шаклланади. Халқ педагогикаси ана шундай ўйинларга асосланган. Болалар истеъдодсиз, китобга қизиқмайди, деган гаплар бекор. Аксинча, катталар болаларни тушунмайди, уларни ўзларининг қолишига солмоқчи бўлади. Катталардан кўра уларнинг тафаккури ўткирроқ. Таассуфлиси, аччиқ, аммо очик таш олиш керак, биз билимни уларнинг талаблари асосида етказиб бера олмаемиз. Ўқув тизимининг энг оқсоқ жойи ҳам шунда.

— Эртақларни фольклорнинг бир жанри сифатида биламиз. Бутун эртақ ёздагилар анча. Эртақларнинг аниқ муаллифи бўлиши қанчалик тўғри? Бу ҳақдаги фикрингиз...

— Фольклор шаклини ёзма адабиётга кўчирасак ёки аксинча, адабиётни фольклорга ўтказсак — жўнлашади. Тасаввур қилинг, табиятнинг ўзида мавсумий кўчишлар бор (масалан, турналар). Улар қандай қилиб адашмай манзилли топиши жуда қизиқ. Турналарнинг адашмаслик сабаби жуда оддий. Улар оммавий жамоа бўлиши билан ҳосил бўлар экан. Оммавий билим уларнинг йўл топишига ёрдам беради.

Фольклор ҳам халқнинг шундай яхлит организмидир. Халқ уни шундай яратган. Индивидуал ижодкор қанча ҳаракат қилмасин, унда халқнинг билимидек билим пайдо бўлмайди. Фақатгина ижодкорнинг яратган қахрамонлари халқона тафаккур даражасида бўлса, у фольклорий мақомга чиқиши мумкин. Худди Алишер Навоий “Хамса” си ёки Чингиз Айтматовнинг “Оқ кема” сига ўхшаб. Ижоднинг халқдагидек анъанавий ёки тимсолий, рамзий маънога эга бўлмаслиги уни жўнлаштиради. Чун-

ки рамзий қатламсиз фольклорни англаб бўлмайди.

Оқ олма, қизил олма пишмас экан, Икки яхши бир ерга тушмас экан. Икки яхши бир ерга тушганида, Умри бирга ўтганини билмас экан.

Бу ерда оқ олма йигитнинг, қизил олма қизнинг муҳаббати. Олма, деган образ фольклорда фарзанд ёки муҳаббат рамзида келади. Бу рамзлар халқнинг эътиқодига боғлиқ. Буни ўргатиб бўлмайди, у қонда бўлади. Лекин индивидуал адабиётда ижодкор истаган нарсасини рамзий маънога айлантириши мумкин. Масалан, манкурт — робот-одам образини, халқидан, эътиқодидан ажралган кимса тимсолини Чингиз Айтматов яратди. Бу ижодкор шахсига боғлиқ. Лекин унинг ҳам асоси халққа боғлиқ кетади.

— Халқни фольклорга қайтариш учун турли байрамлар, фестиваллар ташкил этиляпти. Бироқ бутунлиги глобаллашув даврида “оммавий маданият” таҳдиди билан курашишда, ёшларни фарблашувдан қайтариб, фольклорга яқинроқ қилиш, унга муҳаббат уйғотиш учун яна қандай чора-тадбирлар қўлаш мумкин?

— Фольклорнинг қайси жанрлари сақланаётгани ёки йўқолаётгани кўп жиҳатдан профессионал ижрочиларга боғлиқ. Масалан, дostonчилик, эртақчилик каби жанрларини жонли равишда ижроладан ўрганиш талаб этилади. Чунки дostonни нотадан ўрганиб бўлмайди. Мақол, топишмоқ, латифа каби жанрлар сўзсиз яшайпти. Чунки уларда профессионал ижрочи йўқ. Ўтган нарсани тиклашнинг имконияти йўқ. Шунинг учун унинг мағзини, тилини англаб олишимиз лозим. Шу мағзини ҳис қилмасак, бориб-бориб биз ҳам тери ошловчи халқига тушиб қолишимиз мумкин. Мағзини сақлашимиз учун эса шакл ўзгарса ҳам мазмунини сақлаб қолган ҳолда, замон тафаккури ва қарашларига уйғун ривожланиш талаб этилади.

— Миллий фольклор намуналарининг юз томига чиқяпти. Лекин мактаб дарсликларига жуда қисқа маълумотлар киритилган ва олийгоҳларда ҳам кам ўргатилади. Уларнинг сони ва салмоғини ошириш вақти келмадимикин?

— Олдин ўзбек мифологияси, деб айтолмасдик. Чунки ўзбек мифологияси борлигини тасаввур қилолмасдик, борни англаб етолган эмасмик. Бор нарсани англамаслик унинг йўқлигини исбот этмайди. Ўзбек мифологияси, деган атама ўрганишларимиз, тадқиқотларимиз ўлароқ яқинда пайдо бўлди. Бизнинг мифологик дунёимиз, биринчидан, маросимларимиз, урф-одатларимиз, фольклорнинг барча жанрлари ичда турибди. Фақат уларнинг ичидан сугуриб олиб, мана, деб кўрсатадиган тадқиқотлар керак. Шунда биз мифологик тафаккурдан қандай қилиб, поэтик бадиий тафаккурга келганимизни тажрибаларда кўрсатиш имкони бўлади. Тадқиқотларни амалга оширишда эса чиндан ҳам мактабларда, ўқув даргоҳларида фольклорни ўргатишнинг салмоғини кенгайтириш керак. Чунки ёш авлод фольклорнинг асли нима эканини билмасе, тадқиқотлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Токи, халқимизнинг ранг-баранг ва бой маданий мероси ёшлар қалбига эзгу ниат ва улғу мақсадларга интилиш, она Ватанга муҳаббат ва эътиқод туйғуларини уйғотсин.

— Бутун ҳаётини фольклорга бағишлаётган инсон сифатида унинг келажакини қандай кўрасиз?

— Мен келажакни фақат юз ёки икки юз томига фольклор намуналарининг чоп этилишида кўрмайман. Ҳали вақт келадик, фольклорнинг орқали халқимизнинг дунё цивилизациясидеги тафаккур ўрнини кўрсатиб берадиган олимлар авлоди етишиб чиқади. Халқ ҳам шунга муносиб бўлади, деб ўйлайман. Кўплав халқларда эпик анъана сўниб бораётган бир пайтда, бизнинг этносимиз ҳозир янги бир босқичга чиқди. Чархпалакнинг пастдан юқорилайдиган палласида турибмиз. Йиққан захирамиз қайтадан дунё цивилизациясига ҳам иқтисодий, ҳам маънавий, ҳам руҳий томондан мева берадиган ҳолатга етиб келди. Бунга асос шуки, юртимизнинг фольклоршунос олимлари томонидан дostonчилик санъати, қадимий афсона, эртақ ва ривоятларни ўрганиш, нашр этиш, уларнинг тарбиявий аҳамиятини кенг оммага етказиш йўлида самарали изланишлар олиб бориломоқда.

Гўзалой МАТЁКУБОВА суҳбатлашди.

Қадрият

САНЪАТ ГАЛЕРЕЯСИ МИЛЛИЙЛИГИМИЗ НАМОЙИШИ

Мамлакатимизда ҳунармандчилик ва амалий санъат соҳаси ривожланишига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Соҳа вақиллари, қўли гул усталарнинг ўз истеъдодларини намойён этишлари учун барча шарт-шароит яратиб берилмоқда.

Қақшадарё вилоятининг Шахрисабз тумани ҳунармандчилиги ўзига хос услуб ва анъаналарига эга. Бу ерда, айниқса, кулолчилик, зардўзлик, шаштацилик, гиламдўзлик, ёғоч ўймакорлиги, заргарлик ва мисгарлик каби ҳунармандлик йўналишлари кенг ривожланган. Мато ва ишланмаларнинг миллийлик ва замонавийлик билан уйғуналиги, улардаги гўзаллик ва бежиримлик, бетакрор санъат асарларига хос намуналар киши эътиборини тортади, ҳавасини уйғотади.

Шаҳарнинг Амир Темур хиёбони худудидеги “Чорсу” мажмуасида яқинда очилган миллий санъат галереяси турфа маҳсулот ва ишланмалар билан тўла. Хусусан, қадим ва бутундан сўзлаётгандек, ўтмиш ва миллийлигимизни замон билан ҳамнафас тарзда акс эттираётгандек сайқалланиб турган кулолчилик мактаби намуналарига боқиб, беихтиёр, ҳайратланасиз. Улардаги гўзаллик ва бетакрор томошабинга кўтаринкилик бахш этади.



Миллий ҳунармандчилик ва амалий санъат маҳсулотларини халқимиз ҳамда мамлакатимизга ташриф бузораётган чет эллик меҳмонларга намойиш қилиш, ушбу соҳага ёшларнинг қизиқишини ошириш, ҳунармандлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва улар ўртасида ўзаро тажриба алмашишни йўлга қўйишдек эзгу мақсадда ташкил қилинган галереядан воҳанинг ўзига хос ҳунармандчилик маҳсулотлари жой олган.

— Миллий санъат галереяси очилишини анчадан буён кутгандик, — дейди уста кулол Зайниддин Музаффаров. — Унда биз ҳам ўз маҳсулотларимизни намойиш қилиш имконига эга бўлдик. Бундан кўзланган асосий мақсадимиз фақат пул топиш ёки даромад орттириш эмас, балки Шахрисабз ҳунармандчилиги, унинг ўзига хос доғруғини халққа, одамларга кўрсатиш, намойиш этишдан иборат.

Дарвоқе, кўрғазма учун XV-XVIII асрларга оид “Чорсу” мажмуаси танлангани бежиз эмас. Унда кулолчилик буюмлари билан бирга миллий либослар, ироқи каштачилик ва гиламдўзлик намуналари ҳам намойиш этилади. Улардаги ўзига хослик, матолардаги нафислик ва кўркамлик, турфа хили ишланмаларнинг ажойиб кўринишлари кишини лол этади. Галереяда ўзининг миллий либосларини намойиш этаётган Дилором Жўраева ва унинг шогирдлари яратган намуналар ҳам эътиборга молик.

— Бизнинг миллий либосларимиз қизларимизнинг ибто ва ҳаёда тенгсизлиги, ор-номус ва андишали эканликларини яққол намойён этиб туради, — дейди ҳунарманд. — Бутунлиги замон талабларига монанд равишда ишлаанаётган миллий либосларимиз нафақат юртдошларимиз, қолаверса, хорижлик меҳмонларнинг ҳам эътиборини тортмоқда. Галереяга ташриф бузораётган Италия, Франция, Россия, Германия ва Япония сингари давлатлар вакилларининг қизиқишини уйғотаётган, уларда катта таассурот қолдираётган миллий матоларимизнинг доғруғи кенг, нуфузи юксак, деб бемалол айтсак бўлади.

Галереяда, шунингдек, моҳир ҳунарманд Саодат Низомованинг ироқи каштачилик ва Дамин Маматовнинг турфа гиламдўзлик намуналари ҳам гўзаллиги ва бетакрорлиги билан ажралиб туради. Миллий матолардан ишланган ироқи каштачилик намуналари саналувчи сумка, дўппи, ёстиққўш, аёллар кийимлари ва турли оёқ кийимлар ҳам эътиборни тортмай қолмайди. Гиламдўзлик намуналарига боқиб ҳайрат хиссини туюсиз. Галерея томошасига келган меҳмонларнинг ҳам таассуротлари бир олам.

— Галереядан ўрин олган бетакрор ҳунармандчилик намуналари айниқса, эътиборимизни тортди, — дейди хоразмлик Хусния Курбонбоева. — Улар гўё қадим тарих ва анъаналардан сўзлаётгандай таассурот уйғотади. Бу нодир санъат асарлари билан яқинроқ танишиш, ёшларда миллий гурур туйғуларини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Акбарали ХУДОЙБЕРДИЕВ, “Milliy tiklanish” мухбири

Бизнинг шарҳ

ГЛОБАЛ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШЛАРИ

АНТАРКТИДА МУЗЛИКЛАРИГА ҚАЙ ДАРАЖАДА ТАЪСИР КЎРСАТМОҚДА?

Маълумки, Ер юзидagi музликларнинг 90 фоизи Антарктида материгида жойлашган. Бузулган материкнинг музликлари майдони 14 миллион квадрат километрдан сал ошади. Дунё бўйича чуқуқ сувнинг асосий захираси ҳам ушбу қитъа ҳиссасига тўғри келади. Бироқ бузулган глобал иқлим ўзгаришлари туфайли Антарктидада рўй бераётган экологик муаммолар тобора долзарб тус олмақда.



Сўнгги элик йил ичида Антарктидада ҳаво ҳарорати ўртача уч даражага кўтарилди. Қолаверса, бу ерга хос бўлмаган тарзда ўсимликлар бўй кўрсата бошлади. Қитъадаги музликлар эриётган бир пайта океанларнинг сув сатҳи ҳам кўтарилиб бормоқда. Сайёрамиз иқлими кўп жихатдан дунё океанларининг сув сатҳи билан бевосита боғлиқ. Дунё океанлари сув сатҳининг ўн сантиметр ёки ундан ҳам кўпроққа кўтарилиши тропик пўртаналарга, довуларга сабаб бўлиши билан хавфли саналади. Шу боис олимлар бутун айрим мамлакатларда юз бераётган сув тошқинларининг аксарияти музликларнинг эриши билан бевосита боғлиқ, деб ҳисобламақда. Океанларда сув сатҳининг кўтарилиши буғлаиш миқдорига ҳам таъсир кўрсатади. Оқибатда атмосферада метёрдан ортиқ буғлаиш жараёни юз беради. Бу эса, ўз навбатида, буғлаишнинг ҳосил бўлиши, чақмоқ чақиши ва ёғингарчиликнинг метёрдан ортиқ кузатилишига олиб келади.

Шу ўринда савол туғилиши табиий. Антарктидада музликларнинг эришига сабаб нима?

Олимлар сўнгги ўн йил ичида материк ландшафтида жиддий ўзгаришлар юз бераётганини аниқлади: қитъа худудидagi йирик музликлар эримокда, уларнинг майдони тобора қисқариб бормоқда. Шу билан бирга, муз қитъасида чинакам кўллار ҳосил бўлаётган. Аксарият олимлар бунга инсониятнинг табиатга эҳтиётсиз муомалада бўлаётгани асосий сабаблардан бири эканини таъкидлашапти.

Инсониятнинг табиат қонуниятларига амал қилмаслиги, табиат ресурсларидан беаёв фойдаланиши, Ер юзидa ишлаб чиқариш суръатларининг кескин ортиши, бошқа кўпга техноген ва антропоген таъсирлар натижасида атмосферага чиқарилаётган карбонат ангидрид, метан ва азотнинг чала оксиди каби иссиқхона газлари куёш энергиясининг Ер сатҳида жамланиб қолишига, бу, ўз навбатида, об-ҳавонинг метёридаги даражасидан ошиб кетишига сабаб бўлмоқда. Ўрмонларнинг кесиб ташланаётгани, атмосферага чиқарилаётган ис газли, тупроқ, сув ва ҳавонинг ифлосланиши — буларнинг бари охири-оқибати "буғхона эффекти"ни юзага келтирди. "Буғхона эффекти" атмосфера ва дунё океанларида иссиқхона газлари — карбонат ангидрид, метан, сув буғлари миқдорининг ошиши туфайли ҳосил бўлади. У атмосферада куёш ис-

сиқлигини ўтказиб, унинг яна коинотга қайтиб кетишига йўл қўймайди. Аслида у Ер юзидagi энергиянинг фазога чиқиб кетишига тўсқинлик қилади ҳамда сайёрамизни совуқ ҳаво оқимларидан ҳимоялайди. Бироқ саноатнинг борган сари тараққий этиши атмосферада бу газлар тобора кўпайиб, керагидан ортиқ миқдорда тўпланишига олиб келди. Бу эса ҳаво ҳароратининг мунтазам ошиб боришига сабаб бўлмоқда. Ҳароратнинг ошиши эса музликларнинг эришини тезлаштиради.

"Ёз фаслида кутблар минтақасида жойлашган худудларда ҳаво ҳарорати ноъл кўрсаткичига тобора яқинлашиб бормоқда, — дейди Австралия миллий университети ходими, Антарктида тадқиқотчиси Нерили Эбрам. — Бу музликларнинг эришини тезлаштиради. Шундай экан, бизга нафақат ўртача ҳароратнинг минимал ошиши, балки Антарктида музликларининг кенг миқёсда эриши билан боғлиқ муаммо таҳдид солмоқда".

Сўнгги маълумотларга қараганда, океанларда сув сатҳи ҳар йили 3-3,5 миллиметрга кўтариламоқда. Устига-устак музликларнинг эриши давом этаётган. Воқеалар ривожига таъсир этувчи ва инкор этиб бўлмас яна бир факт: сўнгги тадқиқотлар Антарктиданинг тубида бир неча миллиард тонна углеводород захираси мавжудлигини тасдиқлади. Улар совуқ материкнинг тубида яшаб, қадимий ўсимликларнинг қолдиқлари билан озикланувчи микро-организмлар ҳаёти ва фаолиятининг маҳсулидир. Олимлар олиб борган ҳисоб-китобларга кўра, Антарктида музликлари остида океанлар тубидаги нисбатан метан газли захираси кўпроқ экани маълум бўлди. Антарктида музликларининг ўпирилиб тушиши ва эриши, ўз навбатида, ана шу газларнинг ҳам "дарз" кетишига сабаб бўлади. Бу дунё иқлимига исми кўрилмаган даражада таъсир кўрсатиши мумкин.

Бир қатор хорижий экспертларнинг фикрича, сўнгги пайтларда Антарктидада вазият жиддий тус олмақда. Сўнгги йўдош орқали олинган суратлар материкнинг фарбий қисмида музликларнинг шиддат билан эриётганини тасдиқламоқда. Гляциолог(музшунос)ларнинг фикрича, агар вазият шу тахлит давом этса, яқин келажакда бу музликлар бутунлай эриб битиши ҳеч гап эмас. Айрим музликлар ҳар йили бир-икки километрга қисқариб бормоқда. Европа космик агентлигининг "CryoSat" сўнгги йўдоши орқали олинган маълумотлар материкнинг муз қопламаси ҳажми ҳар йили икки сантиметрга камайиб бораётганини кўрсатмоқда. НАСAnинг сўнгги йўдошлари воситасида олиб борилган метеорологик кузатувлар эса сўнгги ўн йил ичида Антарктида юз миллиард тонна музидан айрилганидан далолат беради.

Амхерст шаҳридаги Массачусетс университети (АҚШ) ходими Роб Деконто "Nature" илмий журналида эълон қилган мақолада агар дунё мамлакатлари 2015 йилнинг 12 декабрида Париж шаҳрида ўтказилган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқлим ўзгариши бўйича ҳақли конвенциясининг 21-саммитида илгари сурилган 2020 йилдан кейин буғхона газлари миқдорини камайтириш ҳамда глобал исини бартараф этиш, углерод манбаи ўрнига қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг миқёсда фойдаланишга тезкорлик билан ўтиш юзасидан қатъий чора-тадбирлар ўтказишни назарда тутувчи янги доиравий келишувга оғишмай амал қилган тақдирда ҳам дунё океанларида сув сатҳи 2100 йилга бориб, бир метрга кўтарилиши мумкинлигини таъкидлаган.

Глобал иқлим ўзгаришлари нафақат Антарктида, балки шимолий кутбда, хруссаи, Арктика ҳамда Гренландия оросидаги музликларга ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Масалан, яқинда Гренландиядаги энг йирик музликлардан бири бўлган Петерманда ноодатий ёриқ ҳосил бўлди. Хавотирлиси, ёриқ музликнинг қоқ ўртасида юзага келди. Уни биринчи бўлиб фазодан туширилган сурат воситасида нидерландиялик олим аниқлашга муваффақ бўлди. Ёриқ нима сабабдан ҳосил бўлгани ҳозирча аниқлангани йўқ. Энг ёмони, у бошқа бир йирикроқ ёриқ билан ёнма-ён жойлашган. Олимлар мабодо улар бирлашгудек бўлса, Петерманда майдони 130-180 квадрат километр келадиган муз-орол ажралиб кетиши мумкинли-

гини тахмин қилмоқда. Бироқ бу энг йирик "йўқотиш" бўлмайдми. Боси, бундан бир неча йил бурун музликдан майдони 250 квадрат километрли "бўлак" ажралиб чиққан эди.

Бундай хавотирли тахминларга қарамай, олимлар орасида вазиятни ўта жиддий, деб ҳисобламаётганлар ҳам учрайди. Яъни масалага нисбатан оптимистик ёндашувлар ҳам йўқ эмас. "Музликларнинг "глобал" эриши Антарктиданинг барча худудига тааллуқли эмас, — дейди Росгидромет ва Россия фанлар академиясининг Глобал иқлим ва экология институти директори ўринбосари Александр Нахутин. — Балки Амундсен денгизидаги олти музлик эришининг олдини олишнинг имкони йўқдир. Бундан фожеа ясамаслик керак. Сўнгги йилларда Антарктиданинг фарбидаги кичикроқ қисми ҳақиқатдан ҳам сезиларли равишда эриётган эди. Бироқ умуман олганда сўнгги бир неча йил ичида музликларнинг эриши аксинча секинлашди. Бунга далиллар етарли. Мисол учун, Антарктиданинг фарбий қисмида Россиянинг "Беллингаузен" станцияси фаолият олиб боради. Бизнинг кузатишларимиз ушбу худуддаги музликлар эриш ўрнига қор ёғиши ҳисобидан тўйинаётганини кўрсатмоқда".

Мутахассиснинг фикрича, Антарктиданинг муз қопламасини тадқиқ этган россиялик гляциологлар қизик бир фактга дуч келди. Маълум бўлишича, сўнгги 800 минг йил ичида Ерда совуқ ва иссиқ иқлим ўрин алмашиб турган. Олимларнинг фикрича, иқлим иссиқ бўлган даврларда музликлар ўпирилади, эрийди, дунё океанларининг сув сатҳи кўтарилади. Шундан сўнг тескари жараён рўй беради — совуш жараёни кузатилади, музликлар кенгайди, океанларнинг сув сатҳи пасаяди. Бу жараён сайёрамизда камида саккиз бор кузатилаган. Биз айни иссиқ жараёни кўзатишга бир даврда яшаймиз. Демак, яқин юз йилда сайёрамиз ҳамда у билан бирга инсоният ҳам янги музлик даврита кадам кўяди. Бу Ернинг Кўёшга нисбатан масофасининг ўзгариб туриши натижасида кутбларда юз берадиган ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган табиий жараён.

Хулоса қилиб айтганда, Антарктида музликларининг эриши сайёрамиз иқлими, ҳайвонот ва наботот оламига салбий таъсир кўрсатади. Унинг олдини олишнинг муҳим шартларидан бири — имкони борича углерод хомашёсини ёқилдан воз кечган ҳолда муқоабил энергия манбаларидан фойдаланишга ўтиш. Шу билан бирга, музликларни сақлаб қолишга ҳар бир инсон ўз ҳиссасини қўйиши керак. Бунинг учун таркибидa хлорфторуглеродлар мавжуд бўлган, озон қатламини емирувчи азороль воситаларини қўлланмаслик, яқинроқ манзилга бориб-келиш учун автомобиллардан эмас, велосипедлардан фойдаланиш орқали атроф-муҳит мусофқолигини таъминлашга ҳисса қўйиш мумкин. Зеро, ҳаммамиз табиатнинг бир бўлаги. Уни асраб-авайлашга барчамиз бурчлигимиз.



ЁНГИН ОҚИБАТЛАРИ

Канаданинг Британия Колумбияси провинциясида юз берган ўрмон ёнғинлари туфайли 14 минг киши хавфсиз жойга кўчирилди, дейилади "tbc.ru" сайтида.



Нашр маълумотларига кўра, 220 ёнғин ўчоғи аниқланган. Одамлар қўшни Принц-Жорж шаҳрига эвакуация қилинди. Ёнғиндан қанча турар жой ишооти талафот кўргани ҳозирча номаълум. Бироқ вертолёт воситасида туширилган видеотасвирлар у анча кўламдор бўлганини тасдиқламоқда. Ёнғиннинг кенг худуд бўлиб тарқалишига шамолнинг тескари йўналишда эгани сабаб бўлгани айтилмоқда. Худуд аҳолисига молявий ёрдам ажратиш кўзда тутиляпти.

КАТЕР ОДАМЛАРНИ ҚУТҚАРАДИ

Хитойнинг Анхой вилоятида дарёлар, кўллар ва денгизларда мустақил ҳаракатланадиган илк ҳайдовчисиз қутқарув катери сувга туширилди. Бу ҳақда "incussia.ru" хабар тарқатган.

Бу ерда сайёҳлар ва маҳаллий аҳоли орасида машҳур бўлган йирик сув ҳавзаси мавжуд. Қутқарув дрони ишлаб чиқарувчиларнинг таъкидлашича, катер бортида инфрақизил сенсорларга эга камералар ўрнатилган бўлиб, қайиқ унинг ёрдамида сувда ҳаракатланувчи кишиларни излаб топиши мумкин. Катер аввал барча сузаётган кишиларни аниқлайди, сўнг уларни жиддий кузата бошлайди. Агар қимдир узокроқ масофага сузиб кетса, катер у қарда жойлашганини дарҳол аниқлашга ҳаракат қилади, маълумотлар йиғади ва фавқулодда қутқарув марказига оғоҳлантириш белгисини юборади ҳамда қутқарувчилар гуруҳини қақиради.

АНТИҚА ТИШ ЮВГИЧ

Тиш шифокорлари оғиз бўшлиғи саломатлигини сақлашда тишларни ҳар куни икки маҳал ювишни, бунинг учун 2-3 дақиқадан вақт ажратишни тавсия этади. Австрия муҳандислари тиш ювишининг осон ва қулай йўлини ўйлаб топди. Улар бунинг учун "Amabrush" деб номланган инсон кўмағида ишловчи тиш ювигични ихтиро қилди, деб ёзади "techcult.ru".

У икки — бокс капаси (тишларни ҳимоя қилувчи қоплама)



шаклидаги тозаловчи ҳамда уни ҳаракатлантирувчи қисмлардан иборат. "Amabrush" тиш ювигичнинг ишлаш тартиби жуда оддий. Даставвал унинг тозаловчи қисми тишга ўрнатилади, сўнгра тугмачаси босилади. Тиш ювигичнинг ичида тиш пастаси мавжуд филоф ўрин олган. Тиш тозаланаётган пайта паста микроканаллар воситасида тишларга етиб боради. Тозалаш жараёни ўн сония давом этади.

Янги тиш ювигич шу йилнинг декабридан сотувга чиқарилиши айтилмоқда.

Рангин дунё


Ҳар қандай мамлакатда ҳам сайёҳлар ҳеч бўлмаса бир марта бориб кўриши керак бўлган масканлар бор. Жапоний Кореянинг Сеул шаҳрида жойлашган "N Seoul Tower" телеминораси ана шундай ноёб меъморий иншоотлардан биридир. Мазкур телеминора шаҳарнинг қулай ва ҳушманзара худудидa — Намсан тоғи устида қад ростлаган. Намсан корейс тилида "Жапоний тоғ" деган маънони англатади.

ТОҒ УСТИДАГИ ТЕЛЕМИНОРА

леминорага айланди. 1975 йилда миноранинг учинчи қаватида томоша майдончаси, музей, эсдалик буюмлар сотиладиган дўкон ташкил этилди. 1980 йилдан бошлаб телеминорага томошабинларнинг ташрифига рухсат берилди. Иншоот фаолият кўрсата бошлаши билан Сеул шаҳрининг чинакам рамзига айланди.

2005 йили телеминора таъмирланади, унинг дизайнига ўзгариш киритилади. Бунинг учун 15 миллион доллар сарфланди. Шундан сўнг у "N Seoul Tower" ёки шунчаки "N Tower" деб қайта номланди. N бу инглиз тилидаги new (янги) сўзининг биринчи ҳарфи ҳамда минора жойлашган Намсан тоғига ишора.

"N Seoul Tower" телеминораси "Лобби N", "Плаза N" ҳамда "Телеминора N" деб аталган уч қисмга бўлинган. Иншоотнинг "Лобби N" қисмида эсдалик буюмлар сотиладиган дўкон, бар, музей, оналар ва болалар хонаси, тамадихона жой олган. Иншоотнинг "Плаза N" деб номланган қисми икки қаватдан иборат. Унинг биринчи қаватида чиптахона, пешайвон, эсдалик буюмлар сотиладиган дўкон, тамадихона ўрин олган. Иккинчи қаватида эса "Place Dining" деб номланган итальян миллий таомлари ресторани ми-



жозлар хизматига ҳамиша шай. Миноранинг учинчи қисми тўрт қаватни ўз ичига олади. Иншоотда тўрт томоша майдончаси бор. Айланаб турувчи ресторан тўртинчи томоша майдонидан жой олган. Рестораннинг тўлиқ айланлишига 48 дақиқа вақт керак. Аслида бу ерга ташриф буюришдан мақсад тамадди қилиш эмас, балки юқоридан Сеул шаҳрини томоша қилиш, унинг гўзаллигидан баҳраманда бўлишдир. Чунки телеминоранинг мазкур қисмидан шаҳар кафтдек кўринади. Иншоотнинг учинчи қаватидан рақамли расадхона жой олган. Телеминоранинг бе-сичинчи қаватида "N-Grill" номли француз таомлари ресторани ҳам фаолият юритади. Қош қорайиши билан телеминора соат 23:00 гача чироқлар воситасида турли рангларда товланади. Сеул телеминорасига арқонли йўлда ҳаракатланувчи махсус кабина воситасида етиб бориш мумкин. Телеминорага кириш пуллик. Чилга нархи унинг қайси қисмига чиқилишига қараб ўзгаради. Ҳар йили телеминорага миллионлаб маҳаллий ва хорижий сайёҳ ташриф буюради.

2012 йилда сайёҳлар ўртасида ўтказилган сўровномага кўра, "N Seoul Tower" телеминораси шаҳардаги энг яхши иншоот сифатида тан олинган.

Саҳифани "Milliy tiklanish" муҳбири Шаҳзоод ҒАҒҒОҒОВ тайёрлади.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Qishloq Qurilish Bank

Қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича қурилаётган арзон уй-жойларни олиши истагидан бўлган фуқароларга ипотека кредитлари, шунингдек, "Қурилишга бошлангич бадал", "Мадад" омонат турларини тақлиф этамиз.



Замонавий ва шинам уйлар оилангизга қувонч ва файзу барака келтирсин!

Мурожаат учун: (+99871) 150-72-58, 150-39-93, www.qqb.uz

"Қишлоқ қурилиш банк" — фаровон ҳаётингиз хизматида!

Хизматлар лицензияланган



MIKROKREDITBANK

Жорий йилнинг 10 июль куни

Fitch Ratings

халқаро рейтинг агентлиги томонидан

"МИКРОКРЕДИТБАНК"

акциядорлик-тижорат банкининг

халқаро рейтинг кўрсаткичи

"B+"

"БАРҚАРОР"

деб баҳоланди

Хизматлар лицензияланган

Кўргазма

АВЛОДЛАРНИ БИРЛАШТИРУВЧИ РИШТА

Ислом Каримов номидаги Республика хайрия жамоат фонди ташаббуси билан Тошкент фотосуратлар уйда 23 июндан 12 июлга қадар "Ипак — авлодларни бирлаштирувчи ришта" мавзусида кўргазма бўлиб ўтди.



Кўргазмада марғилонлик хунарманд Мирзааҳмадовлар тайёрлаган маҳсулотлар намойиш этилди. Ипак ва миллий матоларимиз тарихи, уларнинг тайёрланиш жараёни билан танишиш имкони яратилди.

— Ота-боболаримиз хунарини давом эттираётган тўққизинчи авлод вакилиман, — дейди марғилонлик ипак тўқувчи Расул Мирзааҳмадов. — Икки ўғлим ҳам шу хунарни ўрганипти.

Миллий матолар тўқиш жараёнини чинакам ижод маҳсулига менгаш мумкин. Нақшлар аввал қоғозга, сўнг матога туширилади. Хар бир нақшнинг ўз тарихи бор. Турғунбой Мирзааҳмадов яратган нақшлар ўзининг гўзаллиги ва такрорланмаслиги билан алоҳида ажралиб туради. Шу боис, америкалик модельер Оскар де Рента ўз кўргазмасида хунармандлар оиласининг асарларидан фойдаланган.

— Мазкур кўргазма Ислом Каримов номидаги Республика хайрия жамоат фондининг илк ташаббусидир, — деди кўргазма раҳбари, санъатшунос Бинафша Нодир. — У ёш авлодни миллий анъана ва қадриятларимиз руҳида тарбиялаш, миллий маҳсулотларимизни кенг тарғиб қилишда муҳим аҳамиятга эга. Кўргазмада имкон даражасида тарих ва бутунни мужассамлаштириш ва акс эттиришга ҳаракат қилдик.

Тўмарис АЪЗАМ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Тиббий маслаҳат


ТИЛИМИ ТИЛНИ ЁРАР...

Айни жазирама ёз чиласида саховатли она заминнинг бетакрор нозу неъматлари дастурхонимиз кўрғига айланади. Айниқса, қовуннинг тилими тилни ёради. Қовун таркибида кўплаб витаминлар, каротин, фолий кислота, ёрлар, темир моддаси, шакар, калий, кальций, натрий ва хлор каби минерал моддалар мавжуд. Қувватсизлик, камқонлик, атеросклероз, юрак-қон томир касалликларида қовун истеъмол қилиш тавсия этилади. Қовун антибиотикларнинг организмга заҳарли таъсирини камайтиради.

Ушбу полиз маҳсулотининг таркибида кўп миқдорда ферментлар бор. Шу сабабли меъда-ичак тизимида енгил ҳазм бўлади ва ичаклар фаолиятини яхшилайдди. Шифобахш доривор восита сифатида қовунни жигар касалликларида, буйрак ҳамда қовуқда, ўт қопида тош пайдо бўлганда истеъмол қилиш тавсия этилади. Мунтазам қовун тановули тери рангини тиниқлаштиради ва камқонликда қон таркибидаги гемоглобинни кўтарди ҳамда иммунитетни оширади.

Қовун чанқоқ босар неъмат. Ёз ойларида қуёш тафтида пишган полиз маҳсулотини жазирамада сув ўрнида бемалол тановул қилиш мумкин. Яна халқ табибатида қовун уруғи мизож сустигида қўлланилади. Яъни, бир кунда уч маҳал бир чой қошиқдан кукун ҳолига келтирилган қовун уруғи оч қоринга истеъмол қилинади. Айниқса, асалга қўшиб тановул қилинса, шифобахш хусусияти янада ортади. Аммо бу доривор воситани бир кунда икки граммдан ортқ истеъмол қилиш тавсия этилмайди. Сабаби талоқда муаммо келтириб чиқариши мумкин.

Рухий зўриқиш (стресс)да ҳам бу полиз маҳсулоти ижобий таъсир этади. Фолий кислота ёки В9 витамини ҳомилдорлик даврида ҳомиланинг бениқсон ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади ҳамда хотирани кучайтириш, депрессия (руҳий тушқунлик)да ҳам шифобахшдир. Организми ва ичакларни ортқча хиллардан тозалашда қовун мағзидаги клетчатка катта ёрдам беради. Чунки бу дарағ тонали клетчатка организмдан заҳарли моддаларнинг ҳайдалишига кўмаклашади. Аммо қовунни сут маҳсулотлари ва спиртли ичимликлар билан аралаштириб истеъмол қилмаслик керак. Бундай ҳолатда меъда-ичак тизими фаолияти бузилади. Эмизикли аёллар, қандли диабет билан оғриган беморларга, меъда-ичак тизимининг юқумли касалликларида, гастрит (меъда шиллиқ қаватининг яллиғланиши), меъда ва ўн икки бармоқ ичак ярасида



қовун тановул қилиш тавсия этилмайди. Унинг мағзида кремний моддаси мўл. Бу микроэлемент организмнинг қаттиқ тўқималари, асаб, тери ва соч ҳолатини яхшилайдди. Инсон кайфиятини яхшилашда ҳамда уйқусизлик, чарқоқ, асабзўрликнинг олдини олишда қовун истеъмол қилиш фойдали.

Яхши этилиб пишмаган хом қовунни истеъмол қилишдан сақланиш зарур. Чунки, у меъдада секин ҳазм бўлади. Қовун қийин ҳазм бўлгани учун уни эрталаб истеъмол қилган маъқул. Шунда у кун давомида яхши ҳазм бўлиб, фойдали моддалари организмга сўрилади. Қовунни уч ойгача музлаттичда сақласа бўлади. Ундан коктейль ва витаминли ичимликлар тайёрлаш мумкин. Шунингдек, қовундан қоқи, мурabbo, жем, мармелад тайёрланади...

ТУРФА ОЛАМ

ҚАДИМИЙ УЙ ҚОЛДИФИ ТОПИЛДИ

Рим шаҳрида метронинг учинчи тармоғини қуриш чоғида Троян ҳукмронлиги даври (милодий 98-117 йиллар)га оид яхши сақланган уй харобаси топилди. Бу ҳақда ПАТА-ТАСС хабар тарқатган.

Уй қолдиғи Феррателла ҳамда Аба Арадам кўчалари кесишмасидаги йирик қудуқдан топилди. Мутахассислар иншоот қадимда ёнғиндан зарар кўрганлиги, бунга зилзила сабаб бўлганини тахмин қилмоқда. Уйнинг иккита хонаси, стулларнинг оёқлари, стол, ит ва кучукчанинг скелети сақланиб қолган. Харобалар орасидан полга ўрнатилган оқ-қора рангдаги мозаика қолдиқлари, рангли фрескалар, деворий ёзувлар, мрамар плиталар ҳам топилди.

Қазимла ишлари давом эттирилмоқда. Топилмаларни метро вокзали музейга топшириш мўлжалланяпти.

Олимлар мазкур хароба яқинда Иппонаттео кўчасида аниқланган қадимги Рим аскарлари казармаси қолдиқларидан кейинги муҳим топилма эканини таъкидламоқда.

Барно ҲАМРОҚУЛОВА тайёрлади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Жиззах вилоят кенгаши партия Янгибод туман кенгаши раиси
Хайдарқул МУҚУМОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Фарғона вилоят кенгаши халқ депутатлари Бешариқ туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат
Неъматжон АБУЛЛАЕВнинг
вафоти муносабати билан унинг яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Аҳор АҲМЕДОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Улугбек МУҲАММАДИЕВ, Сувои НАҲБИДИНОВ, Аҳмад САИДОВ, Алишер КОДИРОВ, Мухаммадхон КУРОНОВ, Исмаи ХУДОЕВОВ

Бош муҳаррир: Бехзод НОРБОЕВ

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темури кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва сақлаланди.

ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия хабри бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррирнинг биринчи уринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг chorshanba куни чиқади.

2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан

№ 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Буюртма — Г 716, Адади — 5170. Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Шаҳзод ҲАФФОРОВ

Навбатчи: Исроимжон ҚУҶОРОВ

Саҳифаловчи: Илҳом ЖУМАНОВ

Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz,
mtiklanish@mail.ru

Босишга топшириш вақти — 21.30.

ЎЗА яқуни — 23.00. Топширилди — 00.15.

ISSN 2010-7714



1772010771003